

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Гулистон давлат университети

Иқтисодиёт назарияси кафедраси

Махмудов Дилшод Хамидовичнинг

**5340100-иқтисодиёт таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш
учун «Бозор инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган давлат
сиёсати ва унинг моҳияти (Миллий иқтисодиёт мисолида)» мавзусидаги
битирув малакавий иши**

**Рахбар: Гулистон шаҳри Турон банки,
Сирдарё вилояти филиали
бош ҳисобчиси Бойназаров Ш.А.**

Гулистон-2011

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. “Инфратузилма” сўзи лотин тили “*infrastructura*”дан олиниб *infra* – қуйи, *structura* – тузилиши, ўзаро жойлашуви маъносини беради. Бу атама иқтисодий адабиётларда XX асрнинг 40 йилларида пайдо бўлиб, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатадиган (қурилиш, йўллар, каналлар, портлар, кўприклар, аэродромлар, омборлар, энергетика хўжаликлари, темир йўл транспорти, алоқа, сув таъминоти ва канализация, умумий ва малакавий таълим, фан, соғлиқни сақлаш ва ҳоказолар каби) хўжалик тармоқларнинг мажмаусини англатади.

Умуман олганда инфратузилмага моддий ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатадиган, билвосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ тармоқлари киради. Ўзбекистоннинг ўз танлаган йўлининг асосини бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш ташкил этади. Бозор муносабатларига ўтишдан аввал унга яхши замин тайёрлаш лозимдир. Бундай замин бўлиб бозор инфратузилмасининг яратилиши ва ривожланиши хизмат қилади.

Инфратузилма иқтисодий тизимнинг бир бўлагини ташкил қилиб, у ишлаб чиқаришнинг бир маромда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратади. Шу пайтга қадар инфратузилмани ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалар йиғиндисидан иборатдир деб қараб келинган. Бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий тизимнинг кириб келиши билан инфратузилманинг кўлами кенгайиб, **"бозор инфратузилмаси"** ва **"институционал инфратузилма"** сўзлари истеъмолга кириб келмоқда.

Бозор инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатмасида, хўжаликнинг умумий фаолиятини таъминлашга хизмат кўрсатади. **Масалан, маркетинг ва реклама, ахборот-маслаҳат, аудиторлик,**

инвестицион ва шу каби бошқа хизмат турлари хўжалик фаолиятининг турли томонлари самарадорлигини оширишга хизмат кўрсатади.

Инфратузилма иқтисодий ва ижтимоий ишлаб чиқариш учун меъёрий шарт-шароитларни таъминлайди. У ишлаб чиқариш, технологик, иқтисодий ва ташкилий алоқалар жараёнида вужудга келадиган реализация орқали иқтисодиётнинг самарали ишлашини таъминлайди. Инфратузилма жамият ишлаб чиқариш кучларининг бўлинмас қисми ҳисобланади. У корхонанинг самарали фаолиятини таъминлайди ва пировард маҳсулоти миқдоран кўп ва сифатан юқори бўлишга йўналтирилган.

Бозор муносабатларини шакллантиришни тегишли муҳитсиз – товар, пул бозорларида ва меҳнат ресурслари бозорида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро алоқани таъминлаши керак бўлган бозор инфратузилмасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов айтиб ўтганидек, инфратузилма комплекси иқтисодиётимизнинг бутун тизими таянадиган пойдеворидир. Республика бутун иқтисодиёти фаолиятининг уйғунлиги, унинг самарадорлиги, шунингдек чет эл сармояларини жалб қилиш ва ўзлаштириш имконияти бутунлай инфратузилма тизими ривожининг ҳолатига ва даражасига боғлиқ.

«Биз олдимизга қўйган мақсад сари қадам-бақадам илгарилаб боришимиз зарур. Тегишли ҳуқуқий негизни, бозор инфратузилмасини яратиш, янги шароитларда ишлай оладиган кадрларни тайёрлаш учун вақт керак бўлади. Бу мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур»¹.

Бозорга ўтишдан олдин бозор инфратузилмасини яратиш зарур. Молия, банк-кредит тизимлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, суғурта, аудиторлик, юридик ва консалтинг фирмалари ҳамда компанияларини, биржа тизимини яратиш лозим. Мазкур жараён мавзуни долзарблигини белгилаб

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995. -11 б.

беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш масалалари таниқли олимлар томонидан ёритилган. Миллий иқтисодиётимизда бозор инфратузилмасининг аҳамияти Президентимиз И.А.Каримов асарларида кенг акс эттирилган. Республикамизда олимлардан Саматов Ғ.А., Ёдгоров Ж.Ё., Рустамова И.Б., Ишбутаева Х., Эшниёзова Х., Чжен В.А., Ўтбосаров И., Расулов М., Шодмонов Ш., Тухлиев Н., Кременцева А., асарларида ёритилган. Америка иқтисодчилари Стенли Брю, Кэмпбелл «Экономикс» асарида инфратузилманинг ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишдаги аҳамияти акс эттирилган. Республикамиздаги иқтисодчи олимлардан, М.Расулов, Э.Мирзааҳмедовлар инфратузилманинг республика миқёсида амал қилиш механизми ёритишган. Шунга қарамасдан бозор ислохотлари шароитида миллий иқтисодиётимиз ривожда бозор инфратузилмасининг ўзига хос томонларини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ қилиб бориш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Мазкур тадқиқотнинг мақсади – бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бозор инфратузилмасини ривожлантиришда давлат сиёсатини ва унинг моҳиятини, инфратузилмани шакллантиришнинг асосий босқичлари ва тараққиётининг сабаблари, йўналишларини илмий жиҳатдан ўрганиб, бозор инфратузилмасининг амал қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, хулосалар яшадан иборат.

Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Бозор инфратузилмасининг моҳияти ва унинг ўзига хос томонларини ўрганиш;
- Инфратузилманинг амал қилиш механизмини ёритиш;
- Бозор инфратузилмасини яратиш тадбирлари ва унинг ҳолати таҳлилини ўрганиш;

- Бозор инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати ва унинг хусусиятларини илмий жиҳатдан ўрганиш;
- Бозор инфратузилмани янада ривожлантириш дастурининг моҳияти ва асосий вазифаларини ўрганиш;
- Ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш асосларини таҳлил қилиш;
- Республикамызда бозор инфратузилмасини ривожлантиришнинг истиқбол йўналишларини ўрганиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Битирув малакавий ишнинг объекти сифатида бозор инфратузилмаси олинди. Бозор инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати ва унинг моҳиятини ўрганиш, унинг бугунги кундаги ҳолатини тадқиқ қилиш тадқиқот предмети белгилаб беради.

Тадқиқот усуллари ва услубиёти . Мазкур битирув малакавий ишни бажаришда назарий ёндашиш билан бир вақтда миқдорий ўлчамлар ва статистик ҳисоб усулларида ҳамда таҳлил қилишда тизимли, комплексли, вазиятли ёндашувлардан, шунингдек, кузатиш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқот ишидаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар. Битирув малакавий ишида илгари сурилган илмий янгиликлар бозор инфратузилмасининг моҳияти ва субъектлари муносабатлари бозор шароитига тадбиқан ўрганилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот жараёнида қуйидаги натижаларга эришилди:

- Бозор инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати ва унинг хусусиятлари илмий жиҳатдан ўрганилди;
- Бозор инфратузилмани янада ривожлантириш дастурининг моҳияти ва асосий вазифалари ўрганилди;

-Ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш асослари таҳлил қилинди;

-Республикамизда бозор инфратузилмасини ривожлантиришнинг истиқбол йўналишлари белгилаб берилди.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти. Бозор иқтисодиёти шароитида бозор инфратузилмасини ривожлантиришда давлат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирларни, унинг муаммоларини назарий ва амалий ўрганиш ва ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий иш таркиби ва ҳажми. Мазкур иш кириш, 2 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. БМИ умумий ҳажми 71 бетни ташкил этади.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, услуб ва услубиёти, илмий янгилиги, илмий-амалий аҳамияти ва ҳажми ёритилган.

Биринчи боб “Бозор инфратузилмасининг моҳияти ва унинг илмий-назарий асослари” да инфратузилманинг моҳияти, вазифалари, турлари ва унинг хусусиятлари ва иерархик тузилиши ҳамда амал қилиш механизми ўрганилган.

Иккинчи боб “Бозор ислохотлари шароитида бозор инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати ва унинг моҳияти” да бозор инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати хусусиятлари ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурияти илмий жиҳатдан очиб берилган.

Хулоса ва таклифлар қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда битирувчининг якуний хулосаси берилган.

1 Боб. Бозор инфратузилмасининг моҳияти ва унинг илмий-назарий асослари

1.1. Бозор инфратузилмасининг моҳияти ва унинг ўзига хос томонлари

“Инфратузилма” сўзи лотин тили “*infrastructura*”дан олиниб *infra* – қуйи, *structura* – тузилиши, ўзаро жойлашуви маъносини беради. Бу атама иқтисодий адабиётларда XX асрнинг 40 йилларида пайдо бўлиб, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатадиган (қурилиш, йўллар, каналлар, портлар, кўприklar, аэродромлар, омборлар, энергетика хўжаликлари, темир йўл транспорти, алоқа, сув таъминоти ва канализация, умумий ва малакавий таълим, фан, соғлиқни сақлаш ва ҳоказолар каби) хўжалик тармоқларнинг мажмуасини англатади.

“Инфратузилма” атамаси ҳарбий лексикондан келиб чиқиб, ҳарбий кучлар ҳаракатини таъминловчи иншоотлар (бинолар) нинг мажмуаси маъносини билдиради. Кейинчалик бу сўз иқтисодиёт фанига кўчиб, кенг оммавийлашиб кетди ва турли мамлакат олимлари унга турлича таърифни беришган.

Масалан, америкалик олимлар Макконнелл К.Р., Брю С.Л. таъкидлашича: “инфратузилма бутун иқтисодиёт учун капитал қурилмалардир (йўллар, шаҳар транспорт тизимлари, сув тозалаш қурилмалари, муниципал тизимлари, сув таъминоти, аэропорт)”. Фуқаролар ва фирмалар томонидан улардан фойдаланиш одатда давлат томонидан таъминланади. “...инфратузилма фирма учун – бу маҳсулотни ишлаб чиқариши учун зарур бўлган хизматлар ва қурилмалардир”. Уларни ўз маблағлари билан ташкил этиш қимматга тушганлиги боис давлат ва бошқа фирмалар томонидан таъминланади деган фикрни олдинга суради [21].

Россия олимлари инфратузилмага ишлаб чиқаришнинг бир меъёردа ишлаши ва товарнинг нормал айланиши ҳамда одамларнинг нормал ҳаётий фаолият юритиш учун шарт-шароитни яратиб беришга қаратилган соҳалар ва ушбу соҳаларга кирувчи корхоналарнинг ва ташкилотларининг мажмуасини киритадилар [22].

Ўзбек олимлари фикрига кўра, инфратузилма - такрор ишлаб чиқариш шарт-шароитларини таъминлайдиган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуидир. Асосий ишлаб чиқариш инфратузилмаси - бу энергияни таъминловчи, транспорт ва алоқа занжиридир [25]. Бошқа бир манбага кўра инфратузилма – бу халқ хўжалигини юргизиб туриш учун умумий шароит яратиб берувчи соҳалардир. Уларнинг фаолият натижаси – натура шаклдаги маҳсулотлар эмас, балки хизматлардир [22].

Умуман олганда инфратузилмага моддий ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатадиган, билвосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ тармоқлари киради.

Ўзбекистоннинг ўз танлаган йўлининг асосини бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш ташкил этади. Бозор муносабатларига ўтишдан аввал унга яхши замин тайёрлаш лозимдир. Бундай замин бўлиб бозор инфратузилмасининг яратилиши ва ривожланиши хизмат қилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, **"Инфратузилма"** сўзи лотин тилидан (infra-қуйи, structura-жойлашув, тузилиш) таржима қилинганда турли-туман хизмат кўрсатувчи тармоқлар комплекси: транспорт, алоқа, савдо, моддий-техника таъминоти, сув билан таъминлаш, фан, маориф, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқаларни ўз ичига олади[20].

Инфратузилма иқтисодий тизимнинг бир бўлагини ташкил қилиб, у ишлаб чиқаришнинг бир маромда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Шу пайтга қадар инфратузилмани ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалар йиғиндисидан иборатдир деб қараб келинган. Бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий тизимнинг кириб келиши билан инфратузилманинг кўлами кенгайиб, **"бозор инфратузилмаси"** ва **"институционал инфратузилма"** сўзлари истеъмолга кириб келмоқда.

Бозор инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатмасада, хўжаликнинг умумий фаолиятини таъминлашга хизмат кўрсатади. **Масалан, маркетинг ва реклама, ахборот-маслаҳат, аудиторлик, инвестицион ва шу каби бошқа хизмат турлари хўжалик фаолиятининг турли томонлари самарадорлигини оширишга хизмат кўрсатади.**

Инфратузилма иқтисодий ва ижтимоий ишлаб чиқариш учун меъёрий шарт-шароитларни таъминлайди. У ишлаб чиқариш, технологик, иқтисодий ва ташкилий алоқалар жараёнида вужудга келадиган реализация орқали иқтисодиётнинг самарали ишлашини таъминлайди. Инфратузилма жамият ишлаб чиқариш кучларининг бўлинмас қисми ҳисобланади. У корхонанинг самарали фаолиятини таъминлайди ва пировард маҳсулоти миқдоран кўп ва сифатан юқори бўлишга йўналтирилган.

Бозор муносабатлари ривожланган шарт-шароитда инфратузилманинг тармоқ ва ишлаб чиқариш функциялари ҳам ўзгаради. Яқин келажакда бозор инфратузилмаси тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнеснинг асосий қисмини ташкил этади.

Бозор инфратузилмасининг асосий таркибий қисмлари яъни биржалар, кредит банк тизими, инвестиция фондлари, депозитарийлар, аудиторлик фирмалари, консалтинг фирмаларисиз ҳаётимизни тасааввур қила олмаймиз[25].

Инфратузилма такрор ишлаб чиқаришни шарт-шароитларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларининг

йиғиндисидир: транспорт, алоқа, йўллар, коммуникация, таълим, соғлиқни сақлаш. Бозор муносабатларига ўтгунга қадар инфратузилманинг икки тури мавжуд эди:

1) ишлаб чиқариш инфратузилмаси - ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи бўғинлардан иборат. Ишлаб чиқариш структураси асосий ишлаб чиқаришга, маҳсулот чиқаришнинг технологик жараёнига хизмат кўрсатувчи объектларни ўз ичига олади ва ушбу корхоналарнинг ишлаш жараёнида экологик талабларини таъминлайди. Энергия, иссиқлик, буғ ва сув таъминоти қурилмалари мана шу объектларга киради. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг вазифаси ишлаб чиқариш потенциалини, унинг энергия сифimini ошириш, технологик узилишларини қисқартириш ва чиқиндилардан тез тозалаш, мазкур ускуналар фавқулотда ҳолатларда энг юқори унум берувчи режимларида ишлатиш учун шарт-шароит вужудга келтириш йўли билан ғоят катта даражага кўтаришдан иборат.

Агар ишлаб чиқариш инфратузилмасини маҳсулот чиқариш учун фойдаланиладиган технологияларга хизмат кўрсатишга (йўналтирилган бўлса, ижтимоий инфратузилма инсон учун зарур шарт шароитларни яратишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Ечиниш ва ювиниш хоналари, тиббий даво хоналари, руҳий хордиқ хоналари ижтимоий инфратузилмага тегишлидир. Бу рўйхатни ҳеч адоқсиз давом эттиравериш мумкин.

2) Ижтимоий инфратузилма инсон учун зарур шарт-шароитларни яратади. Бу ечиниш ва ювиниш хоналари, тиббий давохона, руҳий хордиқ хоналари. Ижтимоий инфратузилмаси ривожланган кўпгина корхоналар, болалар муассасалари, поликлиникалар, дам олиш уйлари ва санаторияларга эга.

Бозор инфратузилмасини қурмай туриб бозор иқтисодиётига ўта олмаймиз. **Бозор инфратузилмаси** - маҳсулот ишлаб чиқарувчини истеймолчи билан

ягона бозор маконида бирлаштириб ва ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги зиддиятни бартараф этувчи ва унинг барча иштирокчилари олдига қўйган мақсадларига эришишларини таъминловчи муассасалар ва воситачилик таркиблари тизимидир.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва унинг ишлаб чиқаришга таннарх ҳажмида маблағ сарфлайди. Солиқларни тўлаш, корхонани ривожлантириш, жамғарма ва суғурталарни вужудга келтириш учун, ҳамда шахсий истеъмолни таъминлаш учун товарни фойда билан сотиш керак. Фойда корхона белгилайдиган сотиш нархини ҳосил қилади.

Товар тайерловчидан транспорт ташкилотларига ўтади. Бу ташкилот товарни корхонадан олувчига улгуржи базага етказиб беради. Улгуржи база товар ҳажми катта бўлишига қарамасдан товарни қабул қилади, сифатини текширади. Кичик улгуржи база товарни магазинларга жўнатиш учун худди шундай ишларни бажаради. Фақат магазинларгина товарни бор бўйича харидорга такдим этади.

Инфратузилманинг ҳар бир бўғини ўз вазифаларини бажариш учун чиқим қилади, солиқлар тўлайди, фойда топади. Улар йиғилиб товар нархини кўтарувчи уставларни вужудга келтиради. Бу ҳаракат қотиб қолган ўзгармас технологик жараён товарларнинг нархини жуда ҳам ўсиб кетишини тўхтатиб турувчи ва тартибга солувчи куч - бу аҳоли эҳтиёжидир. Буюм сотувчи томонидан таклиф қилинган баҳода сотиш сотилмаслиги мана шу талаб билан белгиланади. Агарда товарлар сотилмай туриб қолса нархи пасаяди, эгасига зиён келтиради. Товарни сотишга **интилиш[22]:**

- товарни фойда билан етказиб берувчиларни излаш;
- фойдали харидорларни излашга мажбур қилади.

Инфратузилма бўғинлари истеъмолчининг манфаатига тескари йўналтирилгандир. Уларни боғловчи талабдир. Агарда сотувчи товарни

арзонроқ сотиб олиб қимматроқ сотишни мақсад қилиб қўйса манфаатлар мос келмайди. Агарда товарни сотиш учун олиб келса ўзаро манфаатлар мос келади. Манфаатлари келишувининг оқибатлари:

- Товар нархини пасайтирилиши;
- Товарни реклама қилиш.

Манфаатлар ўзаро келишувининг биринчи оқибати - товар нархини тушириш. Товарлар пештахтада ва омборда йиғилиб қолишидан етадиган зарарларни камайтириш учун сотувчи кўпроқ талаб, бўлган фойдалироқ товарлар сотиб олиш билан ўз хатосини тuzатиб олишга умид боғлаб фойданинг бир қисмидагина эмас, балки, агар вазият мажбур қилса, ҳаммасидан ҳам воз кечишга тайёр. Ўзаро битишувнинг иккинчи сабабчиси ҳам инфратузилма муассасаларни бири бўлиб, унинг хизматлари товар қийматининг устамаси сифатида қопланади. Боз устига виждонан қилинган реклама истеъмолчига ҳам жуда керак. Айни пайтда сотувчи учун у - савдони ҳаракатлантирувчи қудратли омил. Мадомики, сотувчи билан харидор товар ҳаракати йўналган йўл бўйича инфратузилманинг тамомила яхлитлиги, иштирокчилар манфаатининг мос тушишига асосланиши аниқланади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, инфратузилманинг мақсади тўловга қобилиятли талаб чекланган шароитларда манфаатларга мослик излашда ифодаловчи ўзаро ён беришлар асосида савдо сотиқ иштирокчилари фойдасини юқорилаштиришдан иборат. Инфратузилма мақсади тўловга қобилиятли талаб чекланган ҳолда мафаатларга мослик излашда ифодаланувчи ўзаро ён берувчилар асосида савдо сотиш иштирокчилари фойдасини юқорилаштиришдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун инфратузилма қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

1. Оладиган фойдани энг кўп даражага ошириш учун ўз ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради. Шубҳасиз бажарилаётган хизматлар нархига

устамалар етарли қаттиқ чекланган бир вазиятда сарф харажатларни тобаро камайтириб бориш харидорлар манфаатларига тўла мос тушади;

2. Бозордан таркиб топаётган аҳволдан келиб чиқиб, маҳсулот ишлаб чиқариш буюртмаларини кўпайтириб ёки камайтириб бориб ишлаб чиқариш учун бозор индикатори сифатида намоён бўлади. Шу йўл билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг жорий тартибга солиш таъминланади;

3. Истеъмол товарлари корхоналар, концернлар ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий зарурий нархини белгилайди, мана шу мақсадда биржа механизмидан фойдаланилади. Товар хом-аше биржаларида фьючерс контрактлари муомаласи туфайли келгуси даврлар бир йил ва ундан ортиқ муддати маҳсулотга нархларни котиировкаловчи ҳисобланадилар.

Тадбиркорлар бу ёки у товарларни тайёрлаш ҳажмларини ўзгартириб, ишлаб чиқариш дастурларини тўғирлаб олиш имкониятига эга бўладилар. Шу тариқа объектив иқтисодий регуляторлар ҳукумат ва жамиятни ишлаб чиқаришни бошқариш ташвишидан халос қилади. Товар хом ашё биржаларининг сигналлари фонд бозорида биржа товарни ишлаб чиқарувчи ёки истеъмол қилувчи корхоналар акцияларнинг котиировкасидаги ўзгаришларда акс этади. Шундай котиировкаланишлар хусусий инвесторларга ўз пул маблағларини қаерга жойлаштиришни танлаб олишда кўмаклашади.

Шу билан ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалалари яна бир қарра объектив, соф-иқтисодий усуллар билан тартибга солинади, маблағлар маҳсулотларга талаб камайган ёки самарасиз ишлаб кам фойда бераётган корхоналарни иложсиз қолдириб харидорга маҳсулот чиқараётган фойдали тармоқларга қўйилади. Бу ҳар бир истеъмолчи ва умуман жамият манфаатларига мос эканлигини қайд қиламиз. Маблағнинг бу тариқа қўйилиши харидоргир товарлар ва хизматларни кўпайтиришни рағбатлантиради, фьючерс ва форвард битишувлар механизми орқали ишлаб чиқаришни аванс билан

таъминлайди, унинг барқарор мувоффақиятли ишлашига кўмаклашади, инвестицион ресурсларни улардан энг кам самара олинадиган жойларда жамлайди;

4. Товарлар ва хизматлар бозорида маркетинг асосидаги инфратузилма буйруқлар вазифасини бажариш барча истеъмолчилар номидан иш олиб боради. Бу билан ишлаб чиқариш ва уни бошқариш тартибга солиниб турилади.

Инфратузилманинг асосий вазифалари қуйидагилар:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўйича: қабул, ювиш, тозалаш, киритиш, саралаш, ажратиш, қадоқлаш, ўраш, сақлаш, тўплаш ва истеъмолчига етказиб бериш;
2. Саноат маҳсулоти бўйича: қабул, ўраш, пакетлаш, сақлаш, талабга кўра истеъмолчига етказиб бериш;
3. Барча турдаги маҳсулотлар бўйича улгуржи истеъмолчиларга етказиш;
4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, қайта ишловчилар аванс олувчиларни таъминловчи фьючерс ва форвард битимлари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш;
5. Тадбиркорлик фаолиятини кредитлаш;
6. Тадбиркорлик дангалчилигини суғурталаш;
7. Товар ташишни таъминлаш;
8. Тадбиркорларни рўйхатга олиш;
9. Битишувларни рўйхатга олиш;
10. Тадбиркорлар манфаатини ҳуқуқий ҳимоялаш;
11. Консалтинг, аудитор, инженеринг хизматларини кўрсатиш.

Ушбу доирада қарайдиган бўлсак, бозор инфратузилмаси ўз вазифасини ўташ асосида маълум бир хусусиятларини намоён этади. Инфратузилма тармоқлари ўзига хос бўлган хусусиятларга эгадир. Инфратузилма жараёни самарали ҳаракат қилиши учун қуйидаги сифатларга эга бўлиши керак:

-ресурсларни бир жойдан бошқа, кўпроқ самара берадиган жойга жойлаштириш имкониятларини мавжудлиги. Асосан инфратузилма (ёрдамчи) тармоқларни хом-аше, ёқилғи, электр энергия тармоқларига яқин жойлаштириш ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади. Чунки бу жараён маҳсулотни яратишда сарфланадиган ижтимоий зарурий меҳнат харажатларини камайтиради;

-бозорнинг барча агентларига умумий равишда фойдаланиш имконининг мавжудлиги. Бу дегани инфратузилма бўғинлари мамлакатнинг барча территориясини эгаллаши лозим, барча мижозларнинг хизматларини бажариши керак, ҳудудий жиҳатдан қаерда жойлашишидан қатъий назар;

-эгиловчанлик, эластиклик хусусиятига инфратузилманинг барча бўғинлари эгадир. Эластиклик деганда биз биринчи ўринда инфратузилма бўғинларининг бирлашиши, алоҳидалашиши қобилиятига эга эканлиги, яъни вазифаларни ўзига қабул қилиб олиш ва янгиликларга тез мослаша олишликни тушинамиз;

- инфратузилма шартнома ва битимларни бажариши англатади;

-қатъиятлилиқ, яъни тенг бўлмаган талаб ва таклиф шароитида мавжуд захиралари ишлатилишини тушинамиз;

-самарадорлик, яъни инфратузилманинг ҳар бир бўғинида махсулаштириш ва меҳнат тақсимооти асосида эришилган самарадорликдир;

-ўзини ўзи бошқариш инфратузилмани даромадлар чегарасида тўхтовсиз ҳаракатини билдиради, яъни корхона нархи ва чакана нарх ўртасидаги тафовутдир;

- монополияни йўқ қилувчи инфратузилма бўғинлари ўртасидаги ички рақобатнинг яратилиши ва ривожланиши;

Шундай қилиб юқорида кўриб чиқилган хусусиятлар инфратузилманинг бир бўғинигагина таъллуқли эмас. Тизим мавжуд бўлиши учун бир марказдан ресурсларни аниқлаш мақсадида талаб ва таклиф ҳақидаги ахборот зарур. Барча

ресурсларни қайта тақсимлаш учун иқтисодий унсурларнинг турли тумани бўлиши шарт. Бозор инфратузилмасидаги бундай асосий ахборот бу-товарнинг нархидир. Инфратузилма тармоқларида талаб таклифга нисбатан ўсса, бу товар нархини ошишига олиб келади. Бундай ҳолатда товарни ортиқча жойдан кам жойга, яъни талаб кучли жойга кўчириш керак. Бунинг натижасида жамият ресурсларига бўлган истеъмол камаяди. Бозор агентларига фойдасига ресурсларни қайта тақсимлаш учун мисол бу - банкларни пул кредитни бошқаришдаги ҳолати, товар хом-аше биржасининг механизми, ярмаркалар механизмидир.

Тадбиркорликнинг тайёрлаш ва ўқитиш бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Бунга қуйдагилар киради: бизнес марказлари, бизнес инкубаторлар, махсуслаштирилган касб-ҳунар колледжлари, бизнес мактаблар, махсус телерадио дастурлари ва пресса. Қуйидаги инфратузилмалар ўзига хос рони бажаради:

-Хусусий бизнесни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш. Тадбиркорларни рағбатлантириш учун кадрлар муҳим роль ўйнайди. Бу республиканинг меҳнатга лаёқатли аҳолисидир. Шу мақсадларда тадбиркорлик соҳасида ишловчи ва қайта тайёрлаш тизими ташкил этилди.

-Молия кредит тизими. Хусусий ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун инвестиция фондлари, тижорат банклари тармоғи қимматбаҳо қоғозлар муомала бозорини кенгайтириш, уларни қайта тақсимлаш ва ишлаб чиқаришни инвестициялаш учун имкон беради. Эркин молиявий ресурсларни инвестиция жараёнида жалб қилиш имконини беради. Дебитор ва кредитор ўртасидаги муносабатлар йўлга қўяди. Воситачи тизимини йўлга қўяди.

-Улгуржи воситачи тузилмалар – махсус омборлар, консигнацион омборлари, омборхоналар, улгуржи магазинлар ва базалар.

-Биржа бозорлари – хом ашё ресурслари ва қайта ишланган маҳсулоти қисқа

муддатда сотишни таъминлайди. Биржа бозорларида фондлар биржасининг товар хом ашё биржасининг, доимий ярмаркалар ва аукционларнинг филиаллари киради. Фонд биржаси-қимматбаҳо қоғозлар бозорининг фаолиятига кўмаклашади. Амлок биржаси, унинг филиаллари ва даллолиги амлокнинг иккиламчи бозори шаклланишига, жамики амлокнинг унга жалб этилишига кўмаклашади. Доимий ярмаркалар-талаб ва таклифни назорат қилиб, ишлаб чиқувчиларни рағбатлантиради.

-Агрохизматлар бозори-деҳқон-фермер хўжалигини юқори навли қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари ва экиш материаллари билан ўз вақтида таъминлашга кўмаклашади.

-Хизматлар бозори-умумий йўналишидаги хизматлар бозорини таъминлайди. Ўз ичига уй-жойларни ремонтини, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш корхоналарини, маданий –соғлом-консалтинг, инжиниринг, ҳуқуқий, ахборот реклама хизматларини, лойиха смета хизматларини олади.

-Транспорт хизмати-транспорт хизмати ташилаётган юкларни эҳтиётлаб сақланиш ва шу каби хизматларни олади.

-Ташқи иқтисодий алоқаларни таъминланиши –кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини экспорт-импорт операцияларида ташқи бозорда рақобатли маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ускуналар ва материаллар етказиб бериш учун шартномалар етказиб ва уларда иштирок этишда ёрдам кўрсатилади.

Инфратузилманинг иерархик тузилишида бошқарувнинг бир марказдан бошқариш деган тушунча йўқ. Ҳамма бўғинлари бир бирини тўлдириб кетади. Масалан, инфратузилманинг функционал таркиби:

1.Республика даражаси:

-Рўйхатдан ўтказиш-Юстиция вазирлиги (тармоқли хўжалик уюшмаси), Молия вазирлиги (тармоқли хўжалик асоциацияси) ва Истиқболни белгилаш ва статистика (ҳисоб-китоб реестрлари).

-Молия ва кредит. Тижорат ва хусусий банклар, Пахта банк, Замин банк, Савдогар банк, Ғалла банк, Тадбиркор банк, Бизнес фонд, хусусий инвестиция фондлари, Мадад, Давлат суғурта, хусусий суғурта компаниялари.

-Ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Инновация ва менежмент маркази, тармоқли илмий текшириш институти, бизнес марказлар, махсус телерадио дастурлари, қишлоқ хужалигини таъминлаш ва таъмирлаш, қишлоқ хўжалик ва химия, ахборот-реклама агентлиги, экспомарказ, тадбиркорлар уюшмаси, бизнес мактаблар.

-Маркетинг ва муомала жараёни. Республика ярмаркаси, Республика улгуржи бозори, Ўзтайёрловсавдо, Ўзбекбирлашув, махсуслаштирилган қишлоқ хўжалиги бозорлари, Ўзмеvasабзаводвино.

-Қимматли қоғозлар бозори. Фонд биржаси, инвестицион фонд, миллий депозитарий.

-Кўчмас мулк биржаси.

2.Вилоят даражасида:

-Рўйхатдан ўтказиш-Давлат мулк қўмитаси, Молия (вилоят бошқаруви), хокимият тегишли бўлимлари, вилоят тахминлаш статистикаси, вилоят Юстиция бошқаруви.

-Молия ва кредит. Банк бўлинмалари, Мадад суғурта агентлигининг бўлимлари, Бизнес фонд бўлинмалари, хусусий инвестиция фондлари.

-Ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Инновация ва менеджмент маркази бўлимлари, ИТИ бўлимлари, Бизнес инкубаторлар, К/х таъминот ремонт, вилоят қишлоқ хўжаликкимё, корхоналар лизинги, консалтинг компаниялари, адвокат идоралари, наториал идоралар, ахборот - реклама бюроси, тадбиркорлар уюшмасининг ҳудудий уюшмаси.

-Маркетинг.

-Муомала жараёни. Брокерли идораси, ярмаркалар филиали, вилоят улгуржи

базалар, автотранспорт корхоналари, темирйул станциялари, консигнация омборлари, тайёрлов базалари, матлубот жамиятлари, хокимиятларидаги ТИА булинмалари, кимошди савдолари, сотиш.

-Қимматли қоғозлар бозори. Фонд бозори филиаллари, ФБ брокер идоралари, инвестиция фондларининг бўлинмалари, фонд магазинлари, миллий депозитарий филиаллари, хусусийлаштириш инвестиция фонди.

-Кўчмас мулк биржаси. Кўчмас мулк биржасининг филиали.

3.Туман даражаси:

-Рўйхатдан ўтказиш-Ҳокимият (хусусий ва кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш).

-Молия ва кредит. Банк бўлинмалари, Мадад суғурта агентлигининг бўлинмалари, Бизнес фонд булинмалари, хусусий инвестиция фондлари.

-Ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Инновация ва менеджмент марказлари, лойиха, смета бюроси, туман қишлоқ хужалигини таъминот таъмирлаш, туман қишлоқ химия, уруғчилик станциялари, нотариал идоралар, адвокат идоралар, реклама агентлиги, тадбиркорлар уюшмаси, лизинг корхоналари.

-Маркетинг.

-Муомала жараёни. Доимий ярмаркалар, кичик улгуржи базалар, кичик улгуржи магазинлар, автотранспорт эгалари, темирйул станциялари, тайёрлов пунктлари, матбуот жамиятлари, аукционлар, консигнацион омборлар, мева-сабзавот омборлар.

-Қимматли қоғозлар бозори. ФБ брокер конторалари, миллий депозитарий филиали, Инвест фонд филиали, фонд магазини, акцияларни сотиш агентлари.

-Кўчмас мулк биржаси. Ҳаракатдаги кўчмас мулк савдоси.

1.2. Инфратузилманинг амал қилиш механизми

Бозор инфратузилмасини шакллантириш сари ташланган биринчи қадам маҳсулот етказиб беришга мажбурий давлат буюртмаси тизимининг, уни ишлаб чиқаришни фондлаштирилган ресурслар билан марказлашган тартибда таъминлашнинг тугатилишидан иборат бўлди. Давлат буюртмаси тугатилгач, товар ресурсларини марказлашган тартибда тақсимлашга жавобгар бўлган собиқ ташкилотлар ҳам тугатилди. Улар ўрнига товарлар бозорини шакллантириши зарур бўлган муассасалар тизими яратилди.

Товар ресурсларини тақсимлашнинг биржа тизимини вужудга келтириш кўплаб тадбиркорлик бўғинлари – брокерлик ва дилерлик идоралари, савдо уйлари, воситачи фирмалар пайдо бўлишига олиб келди. Иқтисодиётдаги илгари батамом давлат тақсимот органлари томонидан эгаллаб келинган жойлар янги туғилаётган бозор муҳитининг вакиллари билан тўла бошлади. Бу товар ресурсларини тақсимлайдиган собиқ воситаларни янги механизм билан алмаштириш сари ташланган қатъий қадам эди.

Бозор инфратузилмасини шакллантиришнинг яна бир йўналиши капитал бозорининг ишлашини таъминлаши керак бўлган тузилмаларни вужудга келтиришдан иборат бўлади. Молияни ва пул-кредитни тартибга солувчи мутлақо янги тизим яратилди. Кредит ресурслари бозорининг яратилиши ҳамда кредитларнинг танлов асосида тақсимланиши молия бозорини вужудга келтиришда асосий тамал тоши бўлди.

Товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар жараёнининг **асосий участкалари:**

- маҳсулот ишлаб чиқарувчи;
- товар-хом ашё биржасининг воситачиси;
- тижорат банки;

- улгуржи база (**консигнацион омбор**);
- автотранспорт корхонаси, юк автомашиналар эгаси.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи қуйидаги вазифаларни **бажаради:**

- режалаштирилган маҳсулотни етиштиришга натура ифодасидаги моддий харажатларни ҳисоблаб чиқади;
- моддий харажатларни пул ифодасида қайтадан ҳисоблаб чиқиб ва пул харажатларини уруғлик, ўғитли, ёнилғи сотиб олиш, қишлоқ хўжалик техникасини созлаш буйича сервис хизмати ва ҳакозолар;
- кутилаётган ҳосилни натура тарзида тақсимлайди (50-70% - форвард контракти буйича, 20% яқин орадаги бозорларда сотиш учун ажратади);
- товар маҳсулотни сотишдан кутилаётган даромадларни ҳисоблаб чиқади;
- ишлаб чиқариш фаолиятини маблағ билан таъминлашнинг фойдали манбаларини, унинг ҳажмларини, олдинги йилги ҳосилдан келган фойдадан таркиб топувчи ўз маблағлари, Бизнес-фонд ва бошқа инвестиция компанияларининг қарзларини аниқлайди ва танлаб олади;

-кутилаётганда фойданинг ҳисоб-китобини амалга чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш, ички истеъмол, жамғармаларига тақсимлайди.

Яқин атрофдаги хўжаликларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари, жорий йилдаги бозор нарх-навосига оид билимлари, жаҳондаги нархлар тўғрисидаги ахборотларга асосланиб, маҳсулот тайёрлаш бўйича агент қуйидаги **вазифаларни бажаради:**

- яқин атрофдаги хўжаликларда етиштирилаётган барча турдаги маҳсулотларга бозор талабини тахминлайди;

- ишлаб чиқарувчилардан ҳар бир маҳсулот тури буйича фойдаланилаётган уруғлик, экин вақти, ҳосилнинг етилишини ҳисобга олган ҳолда эртаги, ўртаги ва кечки ҳосилни ҳажмларини аниқлаб чиқади;

- тайёрлов нархларини ҳисоблаб чиқади ва маҳсулот етказиб бериш учун форвард ва фьючерс битишувларининг лойиҳаларини тайёрлайди;

- тайёрлов базаси билан барча турлари бўйича маҳсулот етказиб беришнинг мулжалланаётган ҳажмларини келишиб **олади**:

-база мавжуд совутиш қувватлари, майдонлар ва бир йула сақланадиган маҳсулот ҳажмларидан келиб, ҳар бир агентнинг маҳсулот тайёрлаш ҳажмига аниқлик киритади;

-база томонидан киритилган тузатишларн ҳисобга олиб, ишлаб чиқарувчилар билан маҳсулот етказиб беришга контрактларни расмийлаштиради;

- маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга аванс услубида тузилган битишувларни тўлаш учун қарз олади;

-тузилган битишувлар асосида маҳсулот етказиб бериш учун фьючерс контрактлари тайёрлайди ва уларни битишув кўламларига боғлиқ ҳолда, тайёрлов базаси орқали унга хизмат кўрсатаётган воситачига беради.

Товар хом-аше биржасининг брокери қуйидаги вазифаларни **бажаради**:

-келгуси йил ҳосили ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг саноатда қайта ишланадиган ҳажмларини тахминлаш бўйича ахборот тўплаш ва таҳлил қилишни;

-ўтган йилларнинг ахбороти асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини унинг турлари бўйича ички хўжалик истеъмолига, саноатда қайта ишлашга, ички бозорга тақсимланишининг таҳлилини, истеъмолчи мамлакат ташиб бериш воситалари, транспорт хизматларига таърифлар, товар бирлигининг нархи ва етказиб бериш шартлари сингари омилларни ҳисобга олган ҳолда четга чиқаришни;

-олинадиган ҳосилнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига экин турлари бўйича улгуржи ва чакана нархларини тахминлашни;

-молиявий чекланганликдан келиб чиқиб фьючерс битишувлари бўйича битишувлар ҳажмларини режалаштиришни;

-битишув ҳажмларини ички ва ташки бозорнинг улгуржи базалари, кичик улгуржи савдо бўйича, кейинчалик кичик улгуржи олди соттига, сотиш учун маҳсулотнинг консигнацион омборларга узоқ муддатли сақлаш бўйича тақсимлашни;

-режалаштирилган битишувлардан кутилган фойдани ҳисоб китоб қилиб, уни битишувлар кўламларини кенгайтиришга, ички истеъмолга суғурта ва пул жамғармаларига тақсимлашни амалга оширади.

Тижорат банки:

-банк хизмат кўрсатадиган минтақа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш тўғрисидаги статистик ахборотни йиғади;

-ахборотларни таҳлил қилади, келгуси йилги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришини ва қайта ишлашни тахминлайди;

-корхонанинг даромадлари ва харажатларининг йириклаштирилган баҳосини белгилайди;

-инвестиция лойиҳаларини бажаришга буюртмалар экспертизасини амалга оширади, улар орасидан энг фойдали ишончлилигини танлайди;

-кредит ресурсларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайерлаш бўйича агентларнинг, ишлаб чиқариш мавсумий хусусиятга эга бўлган корхоналар, улгуржи базаларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш **лойиҳаларини:**

-рўёбга чиқараётган инвесторларнинг, фьючерс контрактлари асосида битишувларни расмийлаштириш учун брокерларнинг кредит ресурсларига эҳтиёжини таъминлайди;

-кредитлар бўйича чекловларни ҳисобга олган ҳолда тахминлаш маълумотларни тўғрилаб, бозорнинг юқорида санаб ўтилган агентларига келгуси йил учун молиявий маблағлар ажратиш режасини ишлаб чиқади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш бўйича маҳсулот етказиб бериш, шу жумладан келгуси йил ҳосилидан ҳам маҳсулот етказиб беришга фьючерс битими тузади, унга мўлжаллаб кредит олади, тузилган шартнома шартларига мувофиқ ишлаб чиқарувчига аванс пули берилади ва маҳсулот етказиб беришга база билан контракт тузади. База шу контракт асосида савдо хом-аше биржасида фьючерс контрактини расмийлаштиради.

Ишлаб чиқарувчи олинган қарзга асосланиб ўз шахсий ва хўжалик сарф харажатлари-уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, асбоб ускуна сотиб олиш, ишчи кучини ёллашга кетадиган харажатларни тўлайди. Ишлаб чиқарувчи агросервис, ремонт-техника хизматлари ва бошқалар билан ўз техникасига хизмат кўрсатиш, экинлар ва мевазорларга кимевий ишлов бериш ва суғурта компанияси билан келгуси йил ҳосилини суғурталаш юзасидан шартномалар тузади.

Биржада ички ва ташқи савдо билан шуғилланувчи улгуржи базалар шунингдек қайта ишлаб корхоналари билан маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномалар тузади. Фьючерс шартномалари асосида биржа келгуси йиллар ҳосилига нархлар қиймати шаклланади. Шартнома эгаси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиб беришга транспорт корхоналари, юк машиналари эгалари, темир йул билан шартномалар тузади.

Транспорт корхоналари суғурта компаниялари билан ҳосилни ташиб беришга шартнома тузиб, ўзларини поездлар тўқнашиши, кўприклар, йўллар бузилиши, ер сурилиши, чўкиши ва шу каби юкларни етказиб беришни кечиктирувчи, ҳатто табиий офатлар минтақасига тушиб қолган транспорт воситаларини йўқ қилиб юборувчи ҳолатларни келтириб чиқарувчи табиат офатларидан суғурталайдилар.

Улгуржи базалар кичик улгуржи савдогарлар ва чакана савдо корхоналари билан маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиб шу

шартномаларга керакли қарзни банкдан оладилар. Агросервис бошқа сервис хизматлари ишлаб чиқарувчилар билан тузилган шартномаларни бажарадилар ва ўзларига тегишли ҳақни оладилар. Ишлаб чиқарувчи агентга фьючерс шартномасида кўзда тутилган ҳажмда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб беради. Агент бутун шартноманинг қолдиқ қийматини тўлайди.

Транспорт корхонаси маҳсулот эгаси билан тузилган шартномага биноан маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан улгуржи базаларга еки қайта ишлаш корхоналарининг консигнацион омборларига ташиб беради. Маҳсулотни қабул қилиб олувчилар уни етказиб берганлиги учун ҳақ тулайдилар. Улгуржи корхоналар, консигнацион омборлар муддатларда маҳсулотни кичик улгуржи сотувчиларга ва етказиб берадилар ва бунга ҳақ оладилар.

Кичик улгуржи сотувчилар ва чакана савдо корхоналари маҳсулотни ишлаб чиқариш ва шахсии истеймол оозорига чиқарадилар, сотишдан даромад оладилар. Шартномада белгиланган чакана савдо корхоналарига ишлаб чиқарувчи ортиқча маҳсулотни яқин орадаги бозорларга ва қайта ишлаш корхоналарига етказиб бериш учун транспорт буюртма беради ва бу маҳсулотни сотишдан нақд пул олади. Амлоқни сотиш буйича агент, даллол, улгуржи базалар, консигнацион омборлар ва қайта ишловчи корхоналар олинган кредитларни фоизлари билан банкка қайтарадилар.

Ишлаб чиқарувчи аудитор хизмати билан йиллик ҳисоботни тайёрлашда ёрдам кўрсатиш учун шартнома тузади, олган ёрдами учун ҳақ тўлайди, фаолиятининг натижалари бўйича солиқ тўлайди.

1.3. Бозор инфратузилмасини яратиш тадбирлари ва унинг ҳолати таҳлили

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш дастурида бозор инфратузилмасини яратиш бўйича қуйидаги чора тадбирлар кўзда

тутилган:

1. Инфратузилма объектларини ташкил этиш учун зарур бўлган, тадбиркорларни ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш:

а) комиссия тузиш, давлат мулкнинг объектларини сотиш бўйича, авлоддан авлодга қолдириш йўли билан фойдаланадиган ер участкаларини сотиш бўйича;

б) хусусий тадбиркорларга давлат мулкни аниқлаш ва сотиш, асосий фондлар, фойдаланаётган ишлаб чиқаришлар ва ишлаб чиқариш қувватлари, ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларини сотиш;

в) сотиш бўйича ким ошди савдоси ва аукционларини ташкил қилиш; тугатилаётган корхоналарнинг ва банкрот корхоналарнинг мол-мулки, тугалланмаган қурилиш объектлари, автотранспорт ва ускуналар.

2. Ички капиталдан фойдаланиш самарасини кўпайтириш ва чет эл инвесторларини жалб қилиш учун. Натижада инфратузилмани ривожлантириш учун молиявий ресурсларни яратади:

а) инвестиция фондларининг яратилиши, инвестиция компаниялари, траст компаниялари, фонд магазинларини ташкил этиш ва брокер идораларини кенгайтириш;

б) қимматбаҳо қоғозлар бозорининг иккиламчи бозорини ташкил этиш, ҳамда чет эл эмитентларини қимматбаҳо қоғозларини. Чет эл инвесторларига акцияларни реализация қилиш;

в) қимматбаҳо қоғозлар операциялари бўйича клиринг марказларини ташкил этиш;

г) барча вилоятларда фонд биржаси ва миллий депозитарий фирмаларини ташкил этиш.

Товар оқимларини ҳаракатини тезлатиш мақсадида, ишлаб чиқаришни моддий техника ресурслар билан таъминлашни яхшилайти;

д) "Ўзулгуржибиржасавдо"да товар хом-ашё биржаси бўйича маълумотлар

банкни ташкил этиш;

е) Савдо уйлари ва ҳисоб китоб клиринг марказларини МДХ мамлакатларида ташкил этиш.

3.Тадбиркорларни ва аҳолини турли хилдаги хизматлар билан таъминлаш мақсадида мижозларга турли объектларни ташкил этиш.

4. Кенг кўламда реклама фаолиятини кенгайтириш мақсадида "Ўзэкспомарказ" имкониятларидан хусусий ва кичик корхоналар учун фойдаланиш.

5. Тадбиркорларни янги қимматбаҳо асбоб ускуналар билан таъминлаш учун лизинг корхоналарини ташкил этиш ва уларни техника, ускуналар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш, ҳамда чет эл технологияси билан таништириш.

6. Тадбиркорларга адресли маълумотли хизмат кўрсатиш учун илмий маслаҳат фирмаларини ташкил этиш, техника ва технологиялар ҳақидаги маълумотлар банкни яратиш.

7.Жойларда бозорни инновацияли институтларни ташкил этиш: бизнес инкубаторлар, техно парклар, лизинг корхоналари, ишлаб чиқариш технологик марказлар, фирмалар, деҳқон-фермер хўжаликлари.

8. Замонавий бизнес асосларини ўрганиш бўйича тадбиркорларни тайёрлаш марказини ташкил этиш. Бозор мутахассислигига йўналтирилган ўқув марказларини очиш. Махсуслаштирилган адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш. Умумтаълим мактаб дастурларига тадбиркорлик асослари курсини қўшиш.

9. Хусусий ва кичик корхоналарни ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказишни соддалаштириш мақсадида 1996 йили тадбиркорлар палатаси ташкил этилди. 2005 йил 4 январдан «Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси тўғрисида» ги қонун кучга кирган. Палата тадбиркорларни барча фаолият турларини бирлаштириш учун ёрдам берадилар. Шунингдек, қишлоқ хужалиги маҳсулотини тайёрлаш, савдо юklarини транспортировка қилиш, сақлаш ва чет

эл партнерини топишга ёрдам беради, маслаҳатлар беради.

10. Тадбиркорларни кредит ресурсларига булган талабларини кондиритиш мақсадида барча вилоятларда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг қўллаб қувватлаш фондининг вилоят филиаллари (бизнес фонд) ҳамда "Мадад суғурта агентлигининг регионал булинмалари" ташкил этилди. Улар ишлаб чиқаришни ривожлантириш буйича тадбиркорлар лойихаларини экспертиза қилиш вазифаларини амалга оширишади. Мамлакатимизда йилдан-йилга Кредит уюшмаларига қизиқиш ортиб бормоқда. Фаолият кўрсатаётган Сирдарё вилоятидаги «Омад», Андижон вилоятидаги «Аср», Тошкент шаҳридаги «Финанс плюс», «Имкон», «Университет», Бухоро вилоятидаги «Авиценна», Фарғона вилоятидаги «Нурафшон» каби Кредит уюшмалари бунинг яққол исботидир². Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Кредит уюшмалари Ўзбекистон Республикасининг «Кредит Уюшмалари тўғрисида» ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатлари асосида фаолият олиб боради.

Жорий этилган норматив базага мувофиқ Кредит уюшмалари қуйидаги ўзига хос жиҳатларига эга:

- ◆ Кредит уюшмалари қарз олувчиларнинг фақатгина бир гуруҳини (Кредит уюшмалари аъзолари) таъминлаш мақсадида, уларга Кредит уюшмаси низом жамғармасининг 25 % дан ошмаган миқдоридаги кредитлар ажратиши мумкин;
- ◆ Кредит уюшмалари ишонч кредитларини қарз олувчиларнинг фақатгина бир гуруҳига (Кредит уюшмалари аъзоларига) кредит уюшмаси низом жамғармасининг 10 % дан ошмаган миқдлорда ажаратиши мумкин;
- ◆ Кредитлар нақд пул кўринишида берилиши мумкин.

² Бутунжаҳон Кредит уюшмалари Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маълумотлари.

11. Бозор инфратузилмасини яратиш жараёнини тезлатиш мақсадида барча тадбиркорларни қўллаб қувватлаш дастурларига жойларда маълум муддат ичида инфратузилма объектларини яратиш кўзда тутилган.

Инфратузилмани ривожланишини таъминловчи асосий орган бу - **тадбиркорларнинг территориал уюшмасидир**. Тадбиркорлар уюшмасига бизнес фонд, "Тадбиркорлар бирлашмаси" ва бошқа ташкилотлардан ваколатли вакиллар қатнашиши шарт. Дастурни яратишдан аввал, ҳар бир туманда тайёрлов ишларини олиб бориш керак:

- 1) фойдаланилмаётган ресурслар салоҳияти ҳақида маълумотлар тўплаш. Унинг таркибида фойдали қазилмаларни ҳам ҳисобга олиш керак.
 2. Ҳар бир аҳоли пунктида ишсизлар ҳақида маълумот бериш.
 3. Қишлоқ хўжалигидаги иш кучидан фойдаланиш даражасини аниқлаш ва уни 5-10 йилга бўшашини тахминлаш.
 4. Иш жойларига бўлган умумий талабни белгилаш.
 5. Баланс усули билан қишлоқ инфратузилмасига қанча киши кераклигини аниқлаш.
 6. Қандай инфратузилма корхоналарини ташкил этилиши дастурини ишлаб чиқиш зарур:
- тузилаётган объектларнинг тўлиқ рўйхатини - инфратузилмани ривожлантиришни молиявий таъминлаш;
 - инфратузилмани моддий-техникасни таъминлаш;
 - дастурни ижро этишини назорат қилиш.

Инфратузилмани ривожлантириш учун албатта чет эл сармоясини қишлоқ хўжалик ва саноат, қайта ишлаб чиқариш саноатига жалб қилиш керак.

Инфратузилманинг иерархик тузилишига асосланган инфратузилманинг ҳозирги замонавий ҳолати ҳақидаги ахборот йиғилган. Ушбу ҳолатнинг таҳлили шуни кўрсатадики, вилоят даражадаги инфратузилмада инновация марказлари

бўлинмалари фақат бир нечта вилоятларда бор (Фарғона вилоятида), илмий тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюроси (2 та вилоятда бор 2 тасида энди таш кил этилмоқда), бизнес инкубаторлар 2 та бор, 3 та ташкил этилмоқда. Шунини таъкидлаш зарурки инфратузилманинг бўғинлари нафақат миқдор жиҳатдан кам, сифат жиҳатдан ҳам яхши аҳволда эмас, кучсиз ташкил этилган.

Консигнацион омборлар ва инвестиция фондларининг филиаллари жуда ҳам паст даражада ривожланган. Инфратузилма ҳақидаги маълумотлар системалаштирилган ҳолда берилган, яъни давлат рўйхатидан ўтказиш, молиявий қўллаб қувватлаш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маркетинг, муомала жараёни, қимматбаҳо қоғозлар орқали инвестициялаш, ишлаб чиқариш воситаларига эришиш.

Ушбу системалаштирилган усул вилоятларда, туманларда, республикада қандай даражада эканлигини кўрсатиш учун қўлланилган.

Туман даражасида аҳвол бундан ҳам оғир. Туман звеносидаги вилоятларнинг ярмида "Мадад" суғурта агентлигининг филиаллари ўз ўрнини топмаган, фақатгина бир неча вилоят туманида хусусий инвестиция фондлари ва битта ломбарт мавжуд.

Инновация ва менежмент марказлари, лизинг корхоналари, ишбилармонлар маркази умуман туман марказларида мавжуд эмас. Лойиха смета бюроси фақатгина 2 вилоятнинг туманларида иш фаолиятини бошлаган. Фақатгина вилоятларнинг ярмида ярмаркалар фаолият курсатмоқдалар, мулкни сотиш ёмон йўлга қўйилган, консигнация омборлари эндигина яратилмоқда, қимматбаҳо қоғозлар бозори туман звеносига энди кириб бормоқда, брокер идоралари фақатгина вилоятларнинг ярмида фаолият кўрсатишмоқда, фонд магазинлари 5 тагина вилоят туманларида мавжуд, 4 та вилоятда кўчмас мулкни сотиш агентлари йўқ.

Ўтказилган таҳлил натижалари шунини кўрсатадики, инфратузилмани

жадал ривожланиши учун ҳам объектив, ҳам субъектив омиллар таъсир кўрсатади. Биринчидан, "Бозор инфратузилмаси " тушунчасининг ўзида тушунмовчилик ҳосил бўлган. Инфратузилма сўзини моҳиятини тушуниш учун "Бозор", "Ишлаб чиқариш", "Ижтимоий" деган қўшимчалар зарурдир.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг микро ва макро даражада кўриб чиқиш мумкин. Макро даражада ишлаб чиқариш инфратузилмаси моддий ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжларини қондиради (агарда унинг маҳсулотини тақсимлаш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда), шахсий истеъмолга камроқ қисми тўғри келади. Макро даражадаги ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизматларни эмас, балки товарларни ишлаб чиқаради, электро энергия, иссиқлик, буғ, газ, ичимлик, ва техник сув ва ҳоказо. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг маҳсулоти бўлган эҳтиёжнинг ҳажми қаттиқ чегараланган технологик жараёнларнинг талаби ва ишлаб чиқариш жараёнини тежашни таъминлаш билан.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини эҳтиёжлардан юқори даражада ривожлантириш (корхонадаги фойдаланилаётган технологиялар натижасида) харажатларни кўпайтиришга олиб келади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси микро даражада фақатгина маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнини қамраб олади, ташқи алоқаларни билдирмайди.

Макро даражадаги ижтимоий инфратузилма инсоннинг ишлаб чиқаришдаги эҳтиёжини қондиришга хизмат қилиб, унга микро иқлим яратади, керакли диапазонда температурани, намликни ва ҳавони тозалигини, газларни йўқ қилади, турли хидларни йў қилади. Корхоналар асосий бюджетидан ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун пул маблағларини ажратиб турли дам олиш масканлари, оромгоҳлар, поликлиникалар, мактабгача болалар муассалари қуришган.Шуни таъкидлаш керакки, микро даражадаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма корхоналарнинг молиявий

имкониятларини чекланганлигини ва бу иш жойларини сезиларли ўсишига олиб келмаслигини кўрсатади. Ишлаб чиқариш ҳажмини баъзи корхоналарда қисқарилиши (келтириладиган хом-ашёда ишлайдиган корхоналар) оғир молиявий аҳволга олиб келиб, аниқроғи ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани.

Ижтимоий инфратузилмани таъминловчи воситаларнинг йўқлиги муносабати билан унинг баъзи бир объектлари фаолият юргизишмаяпти, корхоналар уларни ишлашига шароит яратиб бера олмаяпти. Натижада уларга нисбатан талаб кескин равишда тушиб кетди. Шундай қилиб, микро даражадаги ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва ижтимоий инфратузилмага яқин йилларда кенг миқёсда ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратишимиз зарур.

Микродаражадаги ишлаб чиқариш инфратузилмаси, микрога ўхшаб моддий неъматларни, хизматларни ишлаб чиқариш соҳасининг эҳтиёжларига муносиб равишда ривожланади. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг тармоқларини ривожлантириш учун ўз маҳсулотларини сотишдан тушган тушум ҳисобига амалга оширилади. Моддий ишлаб чиқаришининг кўрсаткичларини пасайиши, ишлаб чиқариш тармоқлари маҳсулотига бўлган талабни ҳам камайтиради. Фойда даражасининг пасайиши, ривожланишнинг молиявий манбаларини қисқаришига олиб келади.

Микродаражадаги инфратузилма, ижтимоий суғурта, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, бюджет маблағлари ва ижтимоий суғурта ажратмалари ҳисобига фаолият кўрсатишади. Бу ерда ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси билан бюджетнинг корхоналар фойдасидан ажратмалар ўртасида қаттиқ боғлиқлик мавжуддир. Қисқаси, йилда 2 млн. кишини иш билан таъминлай олмайди. Буни фақатгина бозор инфратузилмаси бажара олади.

Шуни таъкидлаш керакки, халқ хўжалиги тармоқларида инфратузилманинг ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тушунча йўқ. Тушинча ҳосил

бўлиши учун статистика мавжуд бўлиши керак. Статистикасиз бозор инфратузилмасининг самарали ҳаракатланишини, таркибий ўзгаришларни ривожланиш суръатларини таҳлил қила олмаймиз.

Бозор инфратузилмасини янги шароитларга мослаша олган биринчи бугини савдодир. Дўконларнинг янги мулкдорлари бир бири билан рақобатга киришиб кетишди. Бозор инфратузилмасининг ривожланишига таъсир этувчи объектив омиллар ҳам мавжуд. Бизнинг мамлакатимизда шахсий капиталнинг жамғарилиши ўрта ҳисобда бошқа мамлакатларга қараганда секин бормоқда.

Кўпгина мамлакатларда маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзининг хом-ашёсини етказиб берувчиларга кредитлаш тажрибаси анча самаралидир. Бу ерда ҳам бизда қийинчиликлар мавжуд бўлиб уларни бартараф этиш лозим.

2 Боб. Бозор ислохотлари шароитида бозор инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати ва унинг моҳияти

2.1. Бозор инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати ва унинг хусусиятлари

Бозор муносабатларини шакллантиришни тегишли муҳитсиз – товар, пул бозорларида ва меҳнат ресурслари бозорида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро алоқани таъминлаши керак бўлган бозор инфратузилмасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Инфратузилмани бирданига яратиб бўлмайди ва уни ривожлантиришда давлатнинг қўллаб-қувватлаши зарурдир.

Бозор инфратузилмасининг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурлигини қуйидаги йўналишлардан билишимиз мумкин:

- мамлакатнинг кенг кўламда бозор иқтисодиётига ўтишни оқибатларини тахминлаш;
- ўтиш даврининг салбий оқибатларини йўқ қилиш учун ҳозиргача қўлланилган усулларни фойдаланиш самарасини баҳолаш;
- инфратузилманинг ривожланиш босқичларини аниқлаш, уни ташкил этиш харажатлари билан маҳсулотнинг сўнгги истеъмолининг ўсиш самараси ва бандсизлик даражаси билан таққослаш;
- олинган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда қарорларни қабул қилиш.

Ушбу йўналишда муваффақият шарти бўлиб жаҳон бозорида рақобатбардаш маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳисобланади. Бунинг учун камида, биринчидан, тўқимачилик ишлаб чиқаришларни самарали пахтани, бирламчи қайта ишлаб берувчи техника билан таъминлаш зарур. Маҳаллий хом ашёни қайта ишловчи қолган тармоқларга ҳам таълуқлидир. Иккинчидан, маркетинг стратегияси ва маҳсулотни реклама қилишдан фойдаланган ҳолда бозорни

ғалаба қозониши лозим (инфратузилма ёрдамида). Учинчидан, маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш йўли билан жаҳон бозорида рақобатбардошликни таъминлаш қийин. Тўртинчидан, маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш ҳисобига фақатгина 10-15 фоиз янги иш жайларини яратиш лозим.

Агар инфратузилмани босқичма босқич ривожлантирилса, унда у барча моддий ишлаб чиқариш соҳасидан бўшаган иш кучини ва меҳнатга қобилиятли ёшга етганларни иш билан таъминлаши мумкин. Инфратузилма кўп вариантлидир, элементларини катталигининг ўзара боғлиқлигига мавжуд эмас. Ўзгарувчан шунинг учун турли мулк шаклига асосланиб турли усулларда яратиши мумкин. Бироқ инфратузилманинг сўнгги кўлами шундай даражада улканки, уни қисқа муддат ичида, ва капитални етишмаслиги натижасида чекланган вақт бирлигида вужудга келтириш мумкин эмас. Шу сабабли унинг яратилиши учун иложи борича чет эл сармоясини актив ҳолда жалб қилиш керак.

1995 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг N344 қарори билан қабул қилишган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш" давлат дастурида инфратузилмани ривожлантириш масалалари битта катта бўлимга бирлаштирилган Давлат дастурини амалга ошириш буйича чора тадбирлар белгиланган.

Республикадаги ҳаракатдаги инфратузилма янги бозор институтларини тез ривожлантиришни талаб қилади. Ушбу мақсадда республиканинг барча районларида бозор инфратузилмасини ривожлантириш департаменти ва тадбиркорликни координациялаш тузилди. Унинг асосий вазифалари: хизмат кўрсатиш соҳасини молия кредит, агротехника, коммунал-қурилиш ремонт, транспорт билан таъминлаш кадрларни тайёрлаш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш тизимини жорий қилиш, тадбиркорларга реклама-ахборот, юридик,

аудитор, консалтинг ва нотариал хизматлар кўрсатиш. Уларнинг фаолиятини муҳим соҳаси ички республика ва ташқи иқтисодий хўжалик алоқаларини координациялаш ва ривожлантириш зарур.

Бозор иқтисодиётигача бўлган даврда давлат корхоналарининг хом-ашё ва материалларга бўлган талаб тўла қондирилиб, кафолатланган эди. Ҳаммаси қатъий нархларда белгиланган эди. Ҳозирга шароитда улгуржи воситачи тузилмалар (махсуслаштирилган бозорлар, улгуржи магазинлар, базалар, консигнацион омборлар ва омборлар) яратилмоқда. Улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ҳосилини йиғиб-териб олинганда, уни қабул қилиш, сақлаш ва истеъмолчиларга тақсимлаш масалаларини тезлик билан бажаради.

Республика қуйидаги биржа таркиби ривожланган: ярмаркалар, республика товар хом-ашё ва фонд биржасининг филиаллари, кўчмас мулк биржаси, валюта биржаси, интеллектуал биржа ва меҳнат биржаси. Туманларда агросервис хизмат кўрсатиш соҳалари ишга тушмоқда. Ҳаракатдаги корхоналардаги "Ўзқишлоқхўжалик таъминотремонт", "Ўзқишлоқхимия" да агросервис корхоналари ва уюшмалари иш бошлаган.

Вилоят ва туман марказларида ахборот ҳисоблаш хизмати ва маркетинг регионал марказлари ишга туширилган. Уларнинг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги потенциали ва региондаги табиий ресурслар тўғрисида тахминлаш ишларини олиб боришдир. Хизмат кўрсатиш қишлоқ ҳудудларида янги хизмат турлари билан тўлдирилмоқда:

- клиринг идоралари;
- махсус биржали нотариал идоралар;
- маслаҳат берувчи ва инженеринг компаниялари;
- адвокат конторалари;
- ахборот реклама – бюроси;
- лойиҳа смета бюролари.

Маҳсулотларни қисқа муддатга ўз манзилларини етказиб бериш учун, йўлдаги ҳар хил авария ҳодисаларини қисқартириш учун транспорт инфратузилмаси яратилмоқда. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун инфратузилма қуйидагиларни таъминлаши зарур:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни аванслаш;
- кутилажак ҳосилни суғурталаш;
- қайта ишлаш корхоналарининг хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини инфратузилмани яратиш бўйича инвестицияларни лойиҳалаштириш;
- фьючерс контракти бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмини бажариш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришни мавсумийлиги билан аҳоли ва саноат ишлаб чиқаришнинг доимий истеъмоли ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш. Бунинг учун инфратузилма қишлоқ хўжалик маҳсулотини сўзсиз ҳаммасини, ҳажмининг катталигига қарамасдан қабул қилиши, сақлаши, талабга кўра истеъмолчиларга етказиб бериши зарур;
- кадрларни тайёрлаш, уларни бозор шароитида ишлари учун қайта малакасини ошириш;
- ишлаб чиқариш молия билан таъминлаш ва кредитлаш тизими ёрдамида уни ривожлантириш;
- қишлоқ иқтисодиётига ташқи ва ички сармояларни жалб қилиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ички ва ташқи бозорида маркетингни ташкил этиш;
- зарур бўлган ҳолларда товар запасларини йирик истеъмолчиларга ва улгуржи бозорларга етказиб бериш учун концентрациялаш, яъни бир жойга тўплаш ва аксинча кичик истеъмолчиларга етказиб бериш учун йирик ишлаб чиқарувчиларни маҳсулотларини кичик туркумларга бўлиш. Дехқон ва фермер хўжаликларининг юқори навлик уруғлик билан таъминлаш учун уруғчилик

корхоналарини ташкил этиш долзарб масала бўлиб турибди.

Бозор инфратузилмасини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат дастури қуйидаги омиллардан келиб чиқиши лозим:

- ◆ деҳқон ва фермерлар маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги кафолатларнинг йўқлиги;
- ◆ ишлаб чиқариш харажатларнинг қопланмаслик таваккали билан боғлиқ бўлган ҳолларнинг мавжудлиги учун ишлаб чиқаришнинг ҳажмини секин ўсиши;
- ◆ маъмурий буйруқбозлик тизимининг ўрнига, яъни қишлоқ ҳудудларида бозор муносабатларига мослашган тизимнинг тўла яратилмаганлиги.

Қишлоқ ҳудудларида яратилаётган инфратузилма нафақат кичик ва хусусий корхоналарни нормал фаолият юргизишига ёрдам беради, балки ишдан бўшаган кишиларни иш билан таъминлайди, истеъмолчига кўпроқ маҳсулот етказиб беради, кишиларнинг турмуш даражасини кўтарди.

2.2. Бозор инфратузилмани янада ривожлантириш дастурининг моҳияти ва асосий вазифалари

Президентимиз ўзларининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида 2009 йилдаги энг муҳим устувор вазифа – **бу мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат эканлигини белгилаб бердилар.**

Мазкур устувор вазифага алоҳида эътибор қаратишнинг бир қатор сабаблари мавжуд. Жумладан:

Биринчидан, инфратузилмани ривожлантириш янги корхоналарни жойлаштириш ва бутун иқтисодиётни тараққий эттириш учун зарур қулай шарт-шароитлар яратади, мамлакатимизнинг бой минерал-хомашё ресурсларини ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиради.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, авваламбор, автомобиль ва темир йўлларнинг ривожланган тизими, уларнинг самарали фаолияти ишлаб чиқаришдаги умумий харажатларни камайтиришнинг муҳим шarti ва омилидир. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва бутун иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширади.

Учинчидан, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви, энергия билан таъминлаш, ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб қиладиган кенг кўламли соҳа ҳисобланади. Бу янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш имконини беради.

Бундан кўринадики, мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодиётнинг реал секторини янада ривожлантириш кўп жиҳатдан хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминланганлик даражасига боғлиқ.

Замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, шу асосда иқтисодиётни изчил ва барқарор юксалтириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида «2009 йилда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» махсус дастур қабул қилинди ва унинг бажарилиши кескин назоратга олинди.

2008 йилда республикамызда ишлаб чиқариш инфратузилмаси асосий турлари бўйича хизмат кўрсатишни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида унинг юқори ҳажмларига эришилди **(2.1-жадвал)**. Биз транспорт инфратузилмасини, биринчи навбатда автомобиль ва темир йўллارни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. 2007-2010 йилларда умумий фойдаланишда бўлган автомобиль йўлларини ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши бугунги кунда республикамизнинг барча минтақалари ўртасида йил давомида ишончли транспорт алоқасини таъминламоқда.

**2.1-жадвал. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларида
хизмат кўрсатиш ҳажми, млрд. сўм**

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари	2008 йил	2009 йилга мўлжал	Ўсиш суръати, %
Темир йўл транспорти	1108,0	1390,0	125,5
Автомобиль йўллари қуриш ва реконструкциялаш	397,2	531,5	133,8
шу жумладан:			
халқаро аҳамиятдаги	175,9	251,9	143,2
давлат аҳамиятидаги	95,0	143,6	151,2
маҳаллий аҳамиятдаги	23,9	25,0	104,4
Алоқа	1375,0	1596,4	116,1
шу жумладан:			
симли алоқа	264,0	304,9	115,5
уяли алоқа	952,0	1104,7	116,0
Электр энергияси таъминоти	1786,1	1820,1	101,9

Жумладан, 2008 йил давомида 1108,0 млрд. сўмлик темир йўл транспорти хизматлари, 397,2 млрд. сўмлик автомобиль йўллари қуриш ва реконструкциялаш ишлари, 1375,0 млрд. сўмлик алоқа хизматлари, 1786,1 млрд. сўмлик электр энергияси таъминоти хизматлари кўрсатилди. Бунинг натижасида мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш фаолиятининг ривожига ва узлуксизлигига таъминланди.

Иқтисодиёт реал секторининг жадал ўсиши ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизматларига бўлган эҳтиёжнинг тўхтовсиз равишда ўсишига олиб келмоқда. Шунга кўра, жадвалдан кўринадикки, 2009 йилда ушбу тармоқлар хизмат кўрсатиш ҳажмини аҳамиятли даражада, жумладан, автомобиль йўллари қуриш ва реконструкциялаш ҳажмини 133,8% га, темир йўл транспорти хизматлари ҳажмини 125,5% га, алоқа хизматлари ҳажмини 116,1%га ошириш кўзда тутилмоқда.

Бироқ, таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизмат кўрсатиш ҳажмини бундай суръатларда ўстиришга мавжуд базалар асосида эришиб бўлмайди. Шу сабабли 2008 йилда ишлаб чиқариш инфратузилмаси базаларини янгилаш борасида аҳамиятли ишлар амалга оширилди **(2.2-жадвал)**.


Жадвалдан кўринадикки, 2009 йилда темир йўл участкаларини электрлаштиришни 3 баравардан кўпроқ, темир йўлларни модернизациялаш ва реконструкциялашни 127,3%, темир йўл разъездлари ва корхонага кириш йўллари қуришни 125%, кўприклар қуришни 121,4%, юқори вольтли линияларни қуришни 184,2% га ўстириш кўзда тутилмоқда.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибида автомобиль йўллари тармоғи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда мазкур тармоқнинг умумий узунлиги 183,6 минг километрни ташкил этиб, шундан 23,2% умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини, 36,6% хўжаликлараро қишлоқ йўлларини, 33,6%

**2.2-жадвал. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси базаларини
янгилаш бўйича ишлар ҳажми**


Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари	Ўлчов бирлиги	2008 йил	2009 йилга мўлжал	Ўсиш суръати, %
Темир йўлларни модернизациялаш ва реконструкциялаш	км	220	280	127,3
Темир йўл участкаларини электрлаштириш	км	28	86	307,1
Темир йўл локомотивларини янгилаш	бирлик	18	20	111,1
Юк вагонлари паркини янгилаш	бирлик	1543	1723	111,7
Йўловчи ташиш вагонлари паркини янгилаш	бирлик	8	8	100,0
Темир йўл кўприklarини қуриш	бирлик	4	3	75,0
Темир йўл вокзалларини қуриш ва модернизациялаш	бирлик	2	2	100,0
Темир йўл разъездлари ва корхонага кириш йўлларини қуриш	бирлик	4	5	125,0
Автомобиль йўллари қуриш ва реконструкциялаш	км	1728	1634	94,6
шу жумладан:				
халқаро аҳамиятдаги	км	472	518	109,7
давлат аҳамиятидаги	км	764	619	81,0
маҳаллий аҳамиятдаги	км	492	497	101,0
Кўприklar қуриш	бирлик	28	34	121,4
	п/м	2211	2962	134,0
Толали-оптик линияларни ётқизиш	км	535	70	13,1
Уяли алоқа узатувчи станцияларни ўрнатиш	дона	1697	500	29,5
35 Кв дан катта юқори вольтли линияларни қуриш	км	232,3	427,9	184,2
6-10 Кв юқори вольтли линияларни қуриш	км	250	149,7	59,9

қишлоқ ва шаҳар кўчаларини, 3% корхоналарга қарашли йўлларни, 3,6% турли идораларга қарашли йўлларни ташкил этади **(2.1-расм).**



2.1-расм. Республика автомобиль йўллари тармоғи таркиби, км

2008 йилда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида қуриш ва таъмирлаш бўйича аҳамиятли ишлар амалга оширилди (**2.2-расм**). Жумладан, жами 288,6 млрд. сўмлик (ўтган йилга нисбатан 133% кўп) ишлар бажарилди.



2.2-расм. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида қуриш ва таъмирлаш кўрсаткичлари

Инвестиция дастури бўйича 111,4 млрд. сўм (128%), мукаммал ва ўрта таъмирлаш бўйича 113,5 млрд. сўм (124%), жорий таъмирлаш бўйича 53,9 млрд. сўм (131%), йўл таъмирлаш техникалари ва жиҳозлар харид қилиш бўйича 9,8 млрд. сўм (4 барабар ортиқ) ҳажмда ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, 2008 йилда хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш бўйича 12671 млн. сўмлик, шу жумладан, капитал таъмирлаш бўйича 1371 млн. сўмлик, ўрта таъмирлаш бўйича 4617 млн. сўмлик, жорий таъмирлаш бўйича 6683 млн. сўмлик иш бажарилди. Бунинг натижасида 4702 минг кв.м ҳажмдаги йўл тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

2009 йилда янада ишончли транспорт хизмати кўрсатиш учун қабул қилинган қўшимча чора-тадбирлар билан бир қаторда халқаро аҳамиятга молик умумий фойдаланишда бўлган 400 километрдан ортиқ автомобиль йўлини модернизация қилиш кўзда тутилмоқда.

Жумладан, Бейнов – Бухоро – Самарқанд – Тошкент – Андижон йўналиши бўйича 4 қаторли халқаро автомобиль йўлини, шунингдек, Бухоро – Олот ва Самарқанд–Ўзгир йўлларининг стратегик участкаларини қуриш мўлжалланмоқда **(2.3-жадвал)**.

Шу билан бирга, маҳаллий бюджетлар ва Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан маҳаллий аҳамиятга молик йўлларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш кўламини кенгайтириш вазифаси қўйилмоқда.

Темир йўл тармоқларини қуришни давом эттириш ҳам биз учун катта аҳамият касб этади. Жорий йилда янги Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўл линиясида ободонлаштириш ишларини ниҳоясига етказиш зарур. Деҳқонобод калий ўғитлари заводининг қайта ишлаш комплексига олиб борадиган янги темир йўл тармоғини барпо этиш, Жиззах – Янгиер йўналиши бўйича электрлаштирилган икки йўлли линия ва Янгиер – Фарҳод йўналиши

бўйича электрлаштирилган бир йўлли линия қурилиши юзасидан кўзда тутилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш керак.

**2.3-жадвал. Ўзбек миллий автомагистрالي тармоғи таркибига кирувчи
автомобиль йўллари**

Ўзбек миллий автомгистрالي йўналишлари ва унинг таркибига кирувчи автомобиль йўллари номи	Умумий узушлиги, км	4 қаторли қисмлар узушлиги, км	2 қаторли қисмлар узушлиги, км
Бейнеу-Қўнғирот-Бухоро-Навоий- Самарқанд-Тошкент-Андижон	2047	908	1139
Бейнеу-Қўнғирот	328	-	328
Қўнғирот-Нукус	111	16	95
Нукус-Бухоро	540	3	537
Бухоро ш.ни айланиб ўтиш	5	-	5
Бухоро-Навоий	107	107	-
Навоий-Самарқанд	169	169	-
Самарқанд-Тошкент	308	308	-
Тошкент-Андижон	387	305	82
Гулистон-Оҳангарон	92	-	92
Бухоро-Олот	98	83	15
Бухоро-Қарши-Ғузор-Термиз	436	241	195
Бухоро-Қарши	177	177	-
Қарши-Ғузор	48	48	-
Ғузор-Термиз	211	16	195
Самарқанд-Ғузор	174	22	152
Жами:	2755	1254	1501

Навоий аэропорти базасида эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш, шунингдек, Навоий шаҳрида янги барпо этилган аэродромни халқаро оператор – Кореянинг «Кореан Эйр» компанияси бошқарувига бериш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши туфайли олдимизда катта истиқболлар очилади.


Халқаро интермодал логистика марказининг ташкил этилиши ундан нафақат Жануби-Шарқий Осиёни Европа билан боғлайдиган қитъалараро транспорт-экспедиция узели сифатида фойдаланиш имконини беради. Айни пайтда у Навоий вилояти ва қўшни ҳудудларда янги, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратади.

2.3. Ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш асослари

Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва фаровонлигини юксалтиришда ижтимоий инфратузилма хизматларининг роли бекиёсдир. Шунга кўра, мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда республикаимизда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасида аҳамиятли ютуқ ва муваффақиятларга эришилмоқда.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида 2007 йилда 6964,5 минг кв.м ҳажмдаги уй-жой фойдаланишга топширилган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 7239,8 минг кв.м га етди **(2.3-расм)**.

Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида уй-жойларни қуриш ва фойдаланишга топшириш ишларининг жадаллашуви натижасида йиллар давомида умумий уй-жой фонди ҳажми ошиб бормоқда.



2.3-расм. Фойдаланишга топширилган уй-жой умумий майдони, млн. кв.м


2002 йилда уй-жой фонди 360,9 млн. кв.м дан иборат бўлса, 2006 йилга келиб бу кўрсаткич 386,9 млн. кв.м га, ўртача ҳар бир яшовчига ҳисоблаганда эса 14,3 кв.м дан 14,6 кв.м га қадар ошган.

Айни пайтда, шуни ҳам эътиборда тутиш лозимки, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг юксалиши билан уй-жой фонди билан таъминланганликнинг ўзи аҳоли фаровонлиги даражаси тўғрисида етарли тасаввур бера олмайди. Бу ўринда уй-жой фондини ободонлаштириш даражаси, яъни, уй-жой фондининг умумий ҳажмида водопровод, канализация, марказий иситиш воситалари, ванна, табиий газ, иссиқ сув таъминоти кабилар билан жиҳозланган уй-жой майдони улуши аҳамиятли роль ўйнайди.

Уй-жойларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича пудрат ишлари кўламини кенгайтириш, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида шаҳар ва туманларда турар-жой фонди объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва уларнинг дизайни бўйича ишларни тугал ҳолда, яъни калити билан топшириш шарти

асосида фаолият олиб борадиган ихтисослашган хусусий таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини тузиш назарда тутилган.


Шу мақсадда турар-жой фондини, унинг идоравий мансублигидан қатъи назар, фойдаланилмаётган авария ҳолатидаги ва эскирган уй-жойларни, кўпқаватли уйлардаги бўш турган хоналарни, жумладан, ётоқхона ва қурилиши тугалланмаган объектларни аниқлаш учун тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш керак. Аниқланган ҳолатлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш, бунда мазкур биноларни маҳаллий ҳокимият идоралари тасарруфига беришни кўзда тутиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича конкрет дастурлар ишлаб чиқиш керак. Ушбу дастурларнинг амалга оширилиши пудрат ишларини бажариш учун қўшимча равишда ўн минглаб ишчиларни жалб қилиш, одамларимизнинг уй-жой шароитларини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.



2.4-расм. 2005-2008 йиллар мобайнида мактабгача таълим муассасаларида 5-6 ёшдаги болаларни қамраб олиш кўрсаткичлари, фоиз

Ижтимоий инфратузилма объектлари тўғрисида сўз борганда аҳолининг саломатлигини бевосита тикловчи ва таъминловчи муассасалар – касалхоналар, санатория ва дам олиш муассасалари, пансионатлар, санатория-профилакториялар, дам олиш уйлари ва бошқаларни ривожлантириш муҳимлигини эътироф этиш лозим.

Ижтимоий соҳа объектлари қаторида таълим муассасаларининг ҳам аҳамияти катта. Мамлакатимизда таълим муассасаларини ривожлантириш, уларнинг мазмунини сифат жиҳатидан такомиллаштириш борасида аҳамиятли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада 2005-2008 йиллар мобайнида мактабгача таълим муассасаларида 5-6 ёшдаги болаларни қамраб олиш кўрсаткичлари 19% дан 21,2% гача, шу жумладан шаҳар жойларида 36,2% дан 39,5% га, қишлоқ жойларида эса 11,3% дан 13,2% гача ошди **(2.4-расм).**



2.5-расм. 2009 йилда янги қурилиш ва капитал реконструкция бўйича фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган мактаблар, касб-хунар коллежлари ва лицейлар, дона

2009 йилда 767 та (шундан 733 таси ёки 96,5% қишлоқ жойларида) умумтаълим мактаблари, 196 та касб-хунар коллежлари, 18 академик лицей фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда **(2.5-расм)**.

Энг муҳими, мамлакатимизда ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштиришни тубдан яхшилаш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш масалалари кўзда тутилмоқда.

Мазкур доирада қишлоқда ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш ҳам бугунги кунда долзарб вазифа ҳисобланади. И.А.Каримов ўзларининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарида бу масалага алоҳида эътибор берганлар. Мазкур асарда кўрсатиб ўтилганидек, Республикамизда қишлоқ ободонлигини ҳамда унинг аҳолиси фаровонлигини таъминлаш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Айниқса, қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлашнинг аҳамиятли чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида мазкур кўрсаткич сезиларди даражада ўсиб бормоқда. Агар 1996 йилда қишлоқ уй-жой фонди 180,5 млн. кв. метрни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 240,9 млн. кв. метрга етган. Умуман олганда, 1996-2006 йиллар давомида республика бўйича жами уй-жой фондининг ўсиш даражаси 127,4% ни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич шаҳарда 118,6% ни, қишлоқда 133,5% ни ташкил этган. Бу эса қишлоқ фаровонлиги ва ободончилигининг ошишида муҳим шарт-шароит яратади.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида ҳам қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш чора-тадбирларини кучайтириш кўзда тутилган эди. Бунинг учун энг аввало якка тартибда уй-жой қуриш дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу асосда

қишлоқ жойларида 7100 минг кв.м уй-жой қурилиши амалга оширилди. Албатта, бу жараёнларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган эди. Шунга кўра, 2009 йилда қишлоқ яшаш жойларини тўла инвентаризацияда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлди.

Уй-жой қурилиши ишларини жадаллаштириш, уларни изчил амалга ошириш мақсадида хусусий қурилиш уюшмалари фаолиятини ташкил этишни йўлга қуйиш муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Ушбу жараёнларни аҳоли кенг эътиборига етказиш борасида қишлоқларда қурилаётган намунали уй-жойлар тўғрисида ахборот берувчи «Шинам уй» телекўрсатувини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган ва бу жараён олиб борилди.

Кейинги йилларда қишлоқдаги аҳолининг ҳар 1 киши ҳисобига уй-жой билан ўртача таъминланганлиги ошиб бормоқда. Айни пайтда, ободончилик даражасининг ошишига таъсир қилувчи шарт-шароитлар ҳам яхшиланиб бормоқда. Масалан, табиий газ билан таъминланганлик даражаси 1996 йилдаги 58,6% дан 2006 йилда 71,4% га, водопровод билан таъминланганлик даражаси 23,9% дан 45,1% гача ошган. Бироқ, ҳали қишлоқ ободончилигини таъминлашда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, йиллар давомида ошиб бораётганлигига қарамай, бугунги кунда қишлоқдаги уй-жойларнинг марказий иситиш воситалари (17%), канализация (9%), иссиқ сув таъминоти (2,3%), ванна (2%) билан таъминланиш даражаси жуда паст.

Шунга кўра, ҳозирда қишлоқ ҳудудларини сув билан барқарор таъминлаш бўйича 1836 км янги сув тизимини қуриш, 304 та объектни реконструкция қилиш, бу борадаги **2010-2015** йилларга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш тадбирларини ҳам ўз ичига олади. Шу қаторда 2009 йилда узунлиги қарийб 700 километрлик табиий газ тармоқларини ишга тушириш, чекка туманларни суюлтирилган газ билан таъминлашни тубдан яхшилаш белгиланган.

Қишлоқ жойларининг ободонлиги ва аҳолисининг фаровонлигини автомобиль йўллари ва транспорт воситалари тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунга кўра, 2009 йилда қишлоқ жойларда автомобиль йўлларини ривожлантириш ва транспорт хизматини яхшилаш мақсадида 67 та янги автомобиль маршрутини йўлга қўйиш ва 1913,9 км маҳаллий йўللарни таъмирлаш кўзда тутилган.

Аҳоли турмуш даражаси кўп жиҳатдан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожига боғлиқ. Айниқса, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражаси қишлоқдаги турмуш фаровонлигига сезиларли таъсир кўрсатади. 2009 йилда хизмат кўрсатиш ва сервисни янги сифат даражасига кўтариш, жумладан, қишлоқда хизматлар соҳасида 140 минг янги иш жойлари ташкил этиш, 452 та савдо магазинлари, 1856 та маиший хизмат корхоналари, 500 дан ортиқ минибанклар ташкил этиш, қишлоқ аҳоли яшаётган жойларда телефон ва алоқа тизимини тубдан яхшилаш, спорт ва туризмни ривожлантириш тадбирлари белгиланган.

Шунингдек, қишлоқ жойларни ободонлаштириш ишларини изчил тизимга солиш, уларни мунтазам равишда олиб бориш мақсадида ободонлаштириш моддий техника базасини мустаҳкамлашнинг 2009-2011 йилларга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиш, ободонлаштириш ишлари ташкил қилиш ва рағбатлантириш қоидаларини тайёрлаш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ўз ичига маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқда янги қурилиш технологияларини қўллаш ишларини ҳам олади. Бунда янги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, модернизациялаш ва техник қайта қуrolлантириш тадбирлари кўзда тутилади. Қишлоқ жойларида 77 та

янги қурилиш материаллари фирма магазинларини ташкил қилиш ҳам шулар жумласидандир.

Қишлоқни ёқилғи энергетика захиралари билан барқарор таъминлаш учун қулай шароитни яратиш борасида мавжуд электр ва газ тармоқларини тўла инвентаризация қилиш, янги электр ва газ тармоқларини қуриш, мавжудларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, узоқ жойларда жойлашган қишлоқларни газ ва кўмир билан таъминлашга мўлжалланган сервис марказларини ташкил этиш белгиланган.

2.4. Республикамизда бозор инфратузилмасини ривожлантиришнинг истиқбол йўналишлари

Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтадилар.

2010 йил транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган маблағлар инвестициялар умумий ҳажмида муҳим ўрин эгаллади. 2010 йилнинг ўзида фақат автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 378 миллион долларга тенг бўлган маблағ ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда 31,5 фоиз кўп демакдир. Шунинг ҳисобидан мамлакатимизда 270 километрлик замонавий автомобил йўли фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон миллий автомагистрالي лойиҳаси таркибига кирадиган семент-бетон қопламали 222 километрлик автомобил йўлини қуриш ва

реконструкция қилиш учун Осиё тараққиёт банки билан 600 миллион доллар миқдорида кредит маблағларини жалб қилиш тўғрисида шартнома имзоланди.

2010 йилда халқаро транспорт логистика марказларини ривожлантиришга доир ишлар давом эттирилди. Навоий шаҳридаги аэропортда фойдаланишга топширилган “Навоий” халқаро интермодал логистика марказининг юк терминали орқали 50,1 минг тонна ёки 2009 йилга қараганда 3 баробар кўп юк ташилди. Ангрен шаҳридаги Халқаро логистика маркази томонидан 4 миллион тоннадан ортиқ юк ташиш амалга оширилди, мамлакатимиз минтақалари ва Фарғона водийси вилоятлари ўртасида йил давомида узлуксиз автотранспорт қатнови таъминланди.

Ҳаво транспорти ва темир йўл паркларини янгилаш ишлари давом эттирилмоқда. 2010 йили “Эйрбас индастри” компаниясининг 6 та А-320-200 русумли самолёти, 8 та замонавий электровоз сотиб олинди, 1 минг 790 та юк ташийдиган ва 38 та йўловчи ташийдиган вагонлар қурилди, таъмирланди ва модернизатция қилинди.

Тикланиш ва тараққиёт фондининг стратегик муҳим лойиҳаларни мустақил равишда ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан биргаликда молиялаштириш борасидаги роли ортиб бормоқда. 2010 йилда ушбу фонднинг қарийб 330 миллион доллар миқдоридаги маблағи ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга нисбатан 25,6 фоизга кўпдир. Ўтган даврда Фонд маблағлари ҳисобидан 14 та йирик инвестиция лойиҳаси молиялаштирилди. Ўзбекистон-Уммон қўшма инвестиция компанияси иштирокида тўқимачилик, телекоммуникатция тармоқлари ва молия секторида умумий қиймати қарийб 80 миллион долларлик 3 та инвестиция лойиҳасини молиялаштириш ишлари бошланди. Тикланиш ва тараққиёт фондининг таркибий ўзгаришлардаги роли ортиб бораётганини ҳисобга олиб, 2014 йилгача унинг низом жамғармасини икки баробар, яъни 5 миллиард доллардан 10

миллиард долларга босқичма-босқич кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

2010 йилда касб-ҳунар коллежлари ва академик литцейларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, шунингдек, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга ошириш якунига етказилди. Умуман олганда, 2005-2010 йиллар давомида 7 минг 800 дан ортиқ умумтаълим муассасаси, қарийб 1 минг 500 та касб-ҳунар коллежи ва академик литсей барпо этилди ва реконструкция қилинди. Фақат 2010 йилда мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва литцейларда 2 минг 300 тадан зиёд компьютер техникаси ва мултимедиа ускунаси ўрнатилди.

Ёш авлодни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ва болалар спортини ривожлантиришга қаратилган дастурни амалга ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилди. Бунинг натижасида фақат 2010 йилнинг ўзида 72 та спорт иншооти, 27 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди, умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган спорт инвентарлари ва ускуналар жойларга етказиб берилди. Бугунги кунда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ҳар уч нафаридан бири турли сексия ва тўғаракларда спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

2010 йилда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва ушбу тизимда сифат ўзгаришларини амалга оширишни таъминлаш борасидаги ишлар давом эттирилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган ва республика ҳамда вилоятлар шошилинич тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасалари тармоғи шаклланди.

Барча вилоятлар марказларида катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳар бир туманда энг замонавий медитцина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти йўлга

қўйилди. Ушбу қишлоқ врачлик пунктларининг сони 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпайиб, 3 минг 200 тадан ошди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича юксак самарали замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилгани шу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Барча вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида скрининг марказлари ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини таъминлаш учун 2010 йилнинг ўзида 4 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди. 2010 йилда 116 минг нафардан зиёд бўлажак она скрининг марказларида тиббий кўрикдан ўтказилди. Шу билан бирга, перинатал марказлар тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда. Ўтган ўн йил давомида юртимизда 11 та перинатал марказ ташкил этилди. 2010 йилда уларда 158 минг нафардан ортиқ, яъни 2000 йилга нисбатан 10 баробар кўп она ва бола тиббий кўрикдан ўтказилди.

2010 йили мамлакатимизнинг барча 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар бўйича тайёр ҳолда топшириш шарти билан 6 минг 800 та уй-жой барпо этилди. Ушбу мақсадларга қарийб 430 миллиард сўм миқдоридаги капитал қўйилмалар, жумладан, 250 миллиард сўмдан ортиқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар йўналтирилди. Бу маблағ 2009 йилга нисбатан 9 баробар кўпдир. Дастурни амалга ошириш бошланганидан буён янги массивларда қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб яшаши учун зарур бўлган 165 та ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объекти барпо этилди.

Янгитдан қурилаётган турар-жой массивларида замонавий турдаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳам жадал бунёд қилинмоқда. 103 километрдан ортиқ газ, қарийб 100 километрлик сув тармоқлари, 71 километрдан зиёд электр узатиш линиялари, шунингдек, умумий узунлиги 85 километр бўлган ички йўллар қурилди. Ичимлик суви, электр ва газ таъминоти, шунингдек, аҳоли пунктларининг санитария аҳволини яхшилаш бўйича янги

коммунал инфратузилма тармоқлари ва объектларини қуриш, модернизатция ҳамда реконструкция қилиш ишлари тизимли асосда олиб борилмоқда.

Аҳолининг даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад улуши тобора салмоқли ўрин эгалламоқда ва барча даромадларнинг 47 фоиздан ортиғи ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Юртимизда оилаларнинг сифатли ва узоқ муддат фойдаланадиган истеъмол товарлари билан таъминланиш даражаси сезиларли равишда ошди. Жумладан, бугунги кунда ҳар 100 та оилага ўртача 132 та телевизор, 99 та холодильник, 18 тадан зиёд кондиционер, 12 та шахсий компьютер, 27 тадан ортиқ енгил автомобил тўғри келмоқда. **Келгусида бозор инфратузилмасини барқарор ривожлантиришда қуйидаги йўналишларда ишлар олиб борилиши лозим:**

-чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратишга улкан эътибор бериш. Ўзбекистонда инвесторлар учун, айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан беқиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган. Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион доллардан ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади.

-2011 йилги ва истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизни амалга оширишда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш устувор йўналишга айланиши даркор. Бу муҳим устувор вазифани изчил амалга ошириш учун 2015 йилгача бўлган даврга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, у иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакатимиз ҳудудларини истиқболли ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган дастур билан узвий боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, бу дастурни амалга ошириш мақсадида 85 та инвестиция лойиҳасини жорий этиш ва бу ишларга барча манбалар ҳисобидан қарийб 7 миллиард доллар йўналтириш мўлжалланмоқда. 2011 йилда бу маблағнинг 1 миллиард 200 миллион доллардан ортиғини ўзлаштириш лозим. Бу борада Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирадиган автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ўзаро ишончли боғлайдиган ягона миллий автомобил транспорт тизимини ташкил этиш лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлашга биринчи даражали аҳамият қаратилиши лозим.

2011 йилда ушбу мақсадлар учун 2010 йилга қараганда 1,4 баробар кўп, яъни 547 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмаларни йўналтириш, халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган 302 километрлик автомобил йўлларини фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. Тошкент – Андижон автомобил йўлининг «Қамчиқ» довони орқали ўтадиган тоғли участкасини реконструкция қилиш, бу ерда 4 полосали, семент-бетон қопламали йўл қурилиши бўйича ишларни жадаллаштириш белгиланган.

Фарғона водийси минтақаларини мамлакатимизнинг бошқа минтақалари билан йил давомида ишончли ва кафолатли боғлаб турадиган транспорт алоқасини таъминлашимиз зарур. 2011 йилда транспорт ва коммуникация қурилишига Осиё тараққиёт банки, Ислонд тараққиёт банки, Кувайт араб иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ва ОПЕК жамғармаси томонидан 152 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Жиззах–Янгиер йўналиши бўйича электрлаштирилган икки йўлли темирйўл тармоғи ва Янгиер – Фарҳод йўналиши бўйича электрлаштирилган бир йўлли темирйўл тармоғи қурилишини ниҳоясига етказиш, Мароқанд – Қарши ва Қарши – Термиз йўналиши бўйича стратегик аҳамиятга эга бўлган

темирйўл тармоқларини электрлаштириш лойиҳаларини амалга оширишга киришиш зарур.

Шулар қаторида Испаниянинг «Талго» компанияси билан ҳамкорликда Тошкент – Самарқанд темирйўл участкасида Ўрта Осиёда биринчи бор бунёд этиладиган тезюар темирйўл магистралини қуриш ва фойдаланишга топшириш ишларининг белгиланган муддатларда якунланиши Президентимиз томонидан кўрсатиб ўтилган.

2011 йилда Давлат бюджети барча харажатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилади. Жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси учун ана шу харажатларнинг 48 фоизи ёки 2010 йилга нисбатан 1 триллион 800 миллиард сўм кўп маблағ сарфланади. Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, шифокорлар ва тиббиёт ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилади.

-мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш.

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хомашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш. Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттириш.

-банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш ишларини такомиллаштириш. Асосий эътибор қаратилиши **лозим:**

- аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда инвесторларнинг маблағларини банк акциялари ва депозитларга жалб қилиш орқали банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ҳамда ресурс базасини кенгайтириш;

- банкларнинг инвестиция жараёнларида, корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник қайта жиҳозлашдаги иштирокини янада кенгайтириш ва кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш;

- банкларда самарали назоратни амалга ошириш, банк инфратузилмаларини кенгайтириш, банк хизматлари сифатини ошириш ва мижозларга янги қулайликлар яратиш;

- ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш, нақд пулларнинг банк айланмасига жалб этилишини янада кенгайтириш;

- банкларни якка тартибда баҳолаш миллий рейтингига ва халқаро рейтинг компанияларининг рейтингларига эга бўлишларини таъминлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириш.

Хулоса қилиб айтилганда, Республикамизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган тижорат банклари филиаллари ва бўлинмалари сони 800 тани ташкил этди. Аҳолига банк хизматларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан ташкил этилган мини-банклар сони 2010 йилда 2161 ортиқ ва улар деярли барча турдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқдалар.

Жумладан, бозорлар ҳудудида банк инфратузилмаларини кенгайтириш мақсадида 2010 йил давомида тадбиркорлардан бозор хизматлари ва бошқа тўловларни қабул қилиш учун 582 та махсус кассалар ташкил этилди.

Республикамызда банк инфратузилмаларининг кенгайиб бориши банклар ўртасидаги рақобат муҳитини янада кучайтирмоқда.

Банкларнинг капитали ва миждозлардан жалб қилинган депозитлар ҳажмининг ўсиши республика иқтисодиётининг базавий тармоқларида ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация қилиш, истиқболли ва юқори самарали инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашда банклар иштирокини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Банклар томонидан узок муддатга ажратилган инвестицион кредитлардан олинган даромадлар бўйича солиқ имтиёзларининг берилганлиги банкларнинг ушбу жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириб келмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Инфратузилма иқтисодий ва ижтимоий ишлаб чиқариш учун меъёрий шарт-шароитларни таъминлайди. У ишлаб чиқариш, технологик, иқтисодий ва ташкилий алоқалар жараёнида вужудга келадиган реализация орқали иқтисодиётнинг самарали ишлашини таъминлайди. Инфратузилма жамият ишлаб чиқариш кучларининг бўлинмас қисми ҳисобланади. У корхонанинг самарали фаолиятини таъминлайди ва пировард маҳсулоти миқдоран кўп ва сифатан юқори бўлишга йўналтирилган.

Бозор муносабатлари ривожланган шарт-шароитда инфратузилманинг тармоқ ва ишлаб чиқариш функциялари ҳам ўзгаради. Яқин келажакда бозор инфратузилмаси тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнеснинг асосий қисмини ташкил этади.

Бозор инфратузилмасининг асосий таркибий қисмлари яъни биржалар, кредит банк тизими, инвестиция фондлари, депозитарийлар, аудиторлик фирмалари, консалтинг фирмаларисиз ҳаётимизни тасааввур қила олмаймиз.

Инфратузилма такрор ишлаб чиқаришни шарт-шароитларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларининг йиғиндисидир: транспорт, алоқа, йўллар, коммуникация, таълим, соғлиқни сақлаш. Бозор муносабатларига ўтгунга қадар инфратузилманинг икки тури мавжуд эди:

-ишлаб чиқариш инфратузилмаси - ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи бўғинлардан иборат. Ишлаб чиқариш структураси асосий ишлаб чиқаришга, маҳсулот чиқаришнинг технологик жараёнига хизмат кўрсатувчи объектларни ўз ичига олади ва ушбу корхоналарнинг ишлаш жараёнида экологик талабларини таъминлайди. Энергия, иссиқлик, буғ ва сув таъминоти қурилмалари мана шу объектларга киради. Ишлаб чиқариш

инфратузилмасининг вазифаси ишлаб чиқариш потенциалини, унинг энергия сиғимини ошириш, технологик узилишларини қисқартириш ва чиқиндилардан тез тозалаш, мазкур ускуналар фавқулотда ҳолатларда энг юқори унум берувчи режимларида ишлатиш учун шарт-шароит вужудга келтириш йўли билан ғоят катта даражага кўтаришдан иборат.

Агар ишлаб чиқариш инфратузилмасини маҳсулот чиқариш учун фойдаланиладиган технологияларга хизмат кўрсатишга (йўналтирилган бўлса, ижтимоий инфратузилма инсон учун зарур шарт шароитларни яратишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Ечиниш ва ювиниш хоналари, тиббий даво хоналари, руҳий хордиқ хоналари ижтимоий инфратузилмага тегишлидир. Бу рўйхатни ҳеч адоқсиз давом эттиравериш мумкин.

-ижтимоий инфратузилма инсон учун зарур шарт-шароитларни яратади. Бу ечиниш ва ювиниш хоналари, тиббий давохона, руҳий хордиқ хоналари. Ижтимоий инфратузилмаси ривожланган кўпгина корхоналар, болалар муассасалари, поликлиникалар, дам олиш уйлари ва санаторияларга эга. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқган ҳолда айтиш мумкинки, бозор инфратузилмасини қурмай туриб бозор иқтисодиётига ўта олмаймиз.

Бозор инфратузилмаси - маҳсулот ишлаб чиқарувчини истеъмолчи билан ягона бозор маконида бирлаштириб ва ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги зиддиятни бартараф этувчи ва унинг барча иштирокчилари олдига қўйган мақсадларига эришишларини таъминловчи муассасалар ва воситачилик таркиблари тизимидир.

Бозор инфратузилмасини шакллантириш сари ташланган биринчи қадам маҳсулот етказиб беришга мажбурий давлат буюртмаси тизимининг, уни ишлаб чиқаришни фондлаштирилган ресурслар билан марказлашган тартибда таъминлашнинг тугатилишидан иборат бўлди. Давлат буюртмаси тугатилгач, товар ресурсларини марказлашган тартибда тақсимлашга жавобгар бўлган

собик ташкилотлар ҳам тугатилди. Улар ўрнига товарлар бозорини шакллантириши зарур бўлган муассасалар тизими яратилди.

Бозор муносабаталари шароитида иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигини оширишга бозор инфратузилмасининг бўғинлари таъсир қилади. Бозор инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатмасада, хўжаликнинг умумий фаолиятини таъминлашга хизмат кўрсатади. Масалан, маркетинг ва реклама, ахборот-маслаҳат, аудиторлик, инвестицион ва шу каби бошқа хизмат турлари хўжалик фаолиятининг турли томонлари самарадорлигини оширишга хизмат кўрсатади.

Бозор инфратузилмасининг асосий таркибий қисмлари яъни биржалар, кредит банк тизими, инвестиция фондлари, депозитарийлар, аудиторлик фирмалари, консалтинг фирмаларисиз ҳаётимизни тасааввур қила олмаймиз.

Мазкур битирув малакавий ишни бажариш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

- Бозор инфратузилмасини шаклланиши билан иқтисодий ва ижтимоий ишлаб чиқариш учун меъёрий шароитлар яратилди. У ишлаб чиқариш, технологик, иқтисодий ва ташкилий алоқалар жараёнида вужудга келадиган реализация орқали иқтисодиётнинг самарали ишлашини таъминлайди;
- Бозор муносабатлари ривожланган шарт-шароитда инфратузилманинг тармоқ ва ишлаб чиқариш функциялари ҳам ўзгарди ва ривожлантирилмоқда;
- Республикамиз иқтисодиётини замонавийлаштириш, юқори самарали техника, асбоб-ускуна билан таъминлаш мақсадида сўнгги йилларида бозор инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати ишлаб чиқилди ва чора-тадбирлар амалга оширилмоқда;
- Кейинги йилларда бозор инфратузилмасининг тараққий этиши билан субъектлар фаолиятини самарали юритилиши учун юқори малакали кадрлар тайёрланмоқда ва қайта ўқитилмоқда. Бу эса фаолиятнинг самарадорлигини

юзага чиқаради.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни беришимиз мумкин:

-Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни жадал ривожлантириш мақсадида бозор инфратузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш талаб этилади:

-Амалиётда қўлланилаётган лизинг бўйича техника-ускунлар келтириш тизимини етарли даражада ривожлантириш зарур. Лизинг берувчилар ва лизинг битимларини молиялаш шартларини қайта кўриб чиқиш лозим;

-Маҳсулот етиштиришда самарадорликни ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратувчи бозор инфратузилмасини такомиллаштириш лозим;

-Кичик бизнес, фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш керак. Бунда микрокредитлаш ва микролизинг механизмларини кенг ривожлантириш ўта муҳим;

-Келажакда ҳал қилиниши керак бўлган иқтисодиётимиздаги муаммоларни ечиш учун банк тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш зарур;

-Асосий механизмлари ихчам, ёқилғини кам сарфлайдиган трактор ва кам қувватли механизмлардан иборат, асосан фермер хўжаликларига хизмат қиладиган инфратузилмани яратиш мақсадга мувофиқдир;

-Банклараро бозорда рақобат муҳитини яратиш. Банк ва лизинг хизматлари сегментларини ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқиш зарур;

-Тадбиркорлик субъектларига ахборот таъминот ва консалтинг хизматларини ташкил этишни такомиллаштириш;

-Бозор инфратузилмаси субъектларининг кафолатларини, ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш, белгиланган имтиёз ва қулайликлар қўллашнинг аниқ ва ошқора механизминини яратиш муҳим.

Келгусида бозор инфратузилмасини барқарор ривожлантиришда қуйидаги йўналишларда амлий ишлар олиб борилиши лозим:

-чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратишга улкан эътибор бериш. 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион доллардан ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади;

-2011 йилги ва истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизни амалга оширишда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш устувор йўналишга айланиши даркор;

-мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш.

-банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш ишларини такомиллаштириш лозим.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. «Озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз». Ўзбекистон, 2000. -430 б.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид ва барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари».-Т.; Ўзбекистон 1997. -211 б.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари».-Т.; Ўзбекистон. 1999. -220 б.
4. Каримов И.А. «Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз».-Т.: Ўзбекистон. 2001. -46 б.
5. Каримов И.А. «Биз келажакимизни ўз, қўлимиз билан қурамиз».-Т.; Ўзбекистон, 1999. -57 б.
6. Каримов И.А. «Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш-бош йўлимиз». Ишонч газетаси. 2002. №28. 15 феврал. 1-4 б.
7. Каримов И.А. «Ислохатлар стратегияси мамлакатимиз салоҳиятини юксалтиришдир». Ўзбекистон овози газетаси. 2003. №20. 18 феврал. 1-3 б.
8. Каримов И.А. «Эришилган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохатлар йўлидан изчил бориш, асосий вазифамиз». Ўзбекистон овози газетаси. 2004 №16 10 феврал. 1-3 б.
9. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли».-Т.: Ўзбекистон. 1992. -60 б.
10. Каримов И.А. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли».-Т.: Ўзбекистон. 1993. -75
11. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида».-Т.: Ўзбекистон. 1995. -140 б.
12. Каримов И.А. «Дехқончилик тараққиёти-фаровонлик манбаи».-Т.: Ўзбекистон. 1994. -47 б.

13. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари».-Т.: Ўзбекистон. 1995. -376.
- 14.Каримов И.А. Об экономических реформах (из доклада Президента Республики Узбекистан на XIV Олий Мажлиса). //http:// www.cer. uz.. 1999. №3. стр. 3-7.
- 15.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
- 16.Каримов И.А. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январ.
- 17.Абатуров В. Формирование рыночной инфраструктуры // http: // www. cer. uz. 2003. №10. стр. 3-9.
- 18.Адилходжаева С. Законодательные основы развития предпринимательства В Узбекистане. //http:// www.cer. uz. 2000. №5. стр. 5-13.
19. Абатуров В. Финансовая поддержка малого и среднего бизнеса: мировой опыт: //http:// www.cer. uz.. 2000. №5 стр. 13-2.
- 20.Мадрахимов К.Э. Совершенствование функционирования инфраструктуры малого предпринимательства (на примере Хорезмской области). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. 2005 й.
- 21.Макконнелл К.Р., С.Л. Брю. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В. 2т.: Пер. в англ. Т.2.

- 22.Марданакулов Т.И. Минтақада бозор инфратузилмасини ривожланиши (Сурхондарё вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. 2002 й.
- 23.Саматов Ғ.А., Ёдгоров Ж.Ё., Рустамова И.Б. Қишлоқда замонавий бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш ва сервис хизматини ташкил этишнинг асослари.-Т.; Аграр Университет, 2004. -29 б.
- 24.Транспортная инфраструктура. Региональная экономика. Журнал экономический вестник Узбекистана. №10, 2003 г. 20-25 стр.
- 25.Ташматов Р.Х. Инфратузилмалар: ташкил этиш ва ривожлантириш йўллари. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. № 3. 2006 й.
26. www.press-service.uz. - Президент сайти.
- 27.www.gov.uz. - Ҳукумат сайти.
- 28.www.tsue.uz - Университет сайти
- 29.www.hamkor.uz.
30. www.stat.uz.

Мундарижа

Кириш.....	4
1 Боб. Бозор инфратузилмасининг моҳияти ва унинг илмий-назарий асослари.....	9
1.1. Бозор инфратузилмасининг моҳияти ва унинг ўзига хос томонлари.....	9
1.2. Инфратузилманинг амал қилиш механизми.....	22
1.3.Бозор инфратузилмасини яратиш тадбирлари ва унинг ҳолати таҳлили.....	27
2 Боб. Бозор ислохотлари шароитида бозор инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати ва унинг моҳияти.....	36
2.1. Бозор инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати ва унинг хусусиятлари.....	36
2.2. Бозор инфратузилмани янада ривожлантириш дастурининг моҳияти ва асосий вазифалари.....	40
2.3.Ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш асослари.....	48
2.4. Республикамизда бозор инфратузилмасини ривожлантиришнинг истиқбол йўналишлари.....	55
Хулоса ва таклифлар.....	64
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	69
Мундарижа.....	71